

У334.2(037)
УХ-84

ТУФРИ ГАПИРАЙЛИК



Ж. В. ҲУСАНОВА

ТЎҒРИ ГАПИРАЙЛИК

Логопед ва тарбиячилар учун қўлланма

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

Махсус муҳаррир: педагогика фанлари номзоди **Р. Шомаҳмудова**.


Тақризчилар:

М. Аюпова, Л. Мўминова. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти олигофренопедагогика ва логопедия кафедрасининг ўқитувчилари.

М. Алимова. Тошкент шаҳар 22- мактабнинг логопеди.

Х. Солиева, Х. Атавалиев, Ю. Рўзमतов, К. Абдурахмонова. Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 46- махсус интернат-мактаб ўқитувчилари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг дарсликлар-
ни қайта кўриш махсус комиссияси маъқуллаган.



X 98

Ҳусанова Ж. В.

Тўғри гапирайлик: Логопед ва тарбиячилар
учун қўлланма.— Т.: Ўқитувчи, 1995.—88 б.

ББК 74.3я7

X — 4306020000—191
353(04)—95 ахборот хати —95

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1995

ISBN 5—645—02565—2

К И Р И Ш

Ҳар бир инсон ўзининг ички ҳиссиётларини нутқ орқали баён қилади. Нутқ эса барча инсонларда яхши ривожланган ва шаклланган бўлавермайди. Айрим инсонлар нутқларида камчилик бўлиб, қўлингиздаги қўлланма ана шу камчиликларни бартараф этпшга ёрдам беради. Қўлланмадаги машқларни тартиб билан беҳато бажарган ўқувчилар нутқий камчиликлардан халос бўладилар. Баъзи болалар товушларни нотўғри талаффуз қилибгина қолмай, балки уларни бир-биридан фарқлай олмайдилар. Нутқдаги бундай камчиликлар дарсларни ўзлаштиришда болалар учун сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда болалар логопедик машғулотлар ёрдамига муҳтож бўладилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқларидаги нуқсонларни бартараф этиш ўқитувчилар ва логопедлар зиммасига юкланади. Талаффуздаги камчиликларни бартараф қилишда аввало боланинг нутқини текшириб кўриш, нутқнинг бузилиш сабабини аниқлаш лозим. Ҳар бир бола учун нутқни текшириш варақаси тўлдирилиб, қайси товушлар тўғри ёки нотўғри талаффуз қилинаётгани белгиланган бўлади. Логопедик ишнинг самарадорлигини ошириш учун барча машғулотларнинг тузилиши, уларнинг бир-биридан фарқини аниқлаш лозим.

Ушбу қўлланмада ҳар бир товушни тўғри талаффуз этиш жуда тушунарли баён этилган. Товушнинг ҳосил бўлиш ўрнидан то мустақил нутққа киритилишигача бўлган жараён муфассал ёритилган. Масалан: «С» товушининг тўғри талаффузи. «С» товуши талаффузидаги фарқлар каби бўлимларда мисоллар аниқ берилган.

Ҳар бир логопед ўз машғулотларида берилган машқларни бир неча марта такрорласа, топишмоқ, шеър, мақол ва тез айтишлардан сабр-тоқат билан тартибли фойдаланса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Гап тузиш учун турли расмлар берилган.

Ушбу қўлланма махсус мактабларда ишловчи логопедлар, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда ота-оналар учун мўлжалланган.

ЛОГОПЕДИК МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ МАШҚЛАРИ

Нутқ ҳосил қилишда талаффузнинг аниқ, равон бўлиши нафасдан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти катта. Тўғри нафас олишга одатланиш учун ҳар бир машғулотдан олдин нафас олиш ва нафас чиқариш машқларини ўтказиш керак. Нафас олиш ва чиқариш машқларини дастлаб беш мартагача, кейинчалик 15 мартагача бажариш мумкин. Сўнгра нафас олишни товушлар юзасидан машқ қилиш жараёнида мустақамлаш керак. Бола нафас олиб, оҳиста чиқараётганида: Ф ____, С ____, Ш ____, , С ____, Х ____, каби. Ф ____, Ф ____, С ____, С ____, Ш ____, Ш ____, , Х ____, Х ____, каби. Нафас олиб оҳиста чиқариш билан увли А ____, А ____, О ____, О ____, У ____, У ____, И ____, И ____, Ё ____, Ё ____, каби товушлар талаффузи мустақамлаб борилади. Бу билан овоз ҳам яхшиланиб боради. Товуш овоз чиқариб талаффуз қилишга ўргатиб борилади. Товушларни тўғри талаффуз қилиш учун лаб, тил, жағ машқлари ҳам бажарилади.

Л а б м а ш қ л а р и

Юқори ва пастки лаблар юқорига ва ёнга тортилиб «Табассум» ҳолати юзага келтирилади, бу ҳолатни тез-тез такрорлаб туриш тавсия этилади. «О» товушини талаффуз қилганда лаблар олдинга чўзилади, лекин «У» товушини талаффуз этганда эса бу ҳолат ўзгаради. Яна «Табассум» ҳолатидан фойдаланилади, О — И — А — У — Ў — И — О товушлари юқоридаги тартибда овозсиз бир неча марта такрорланади.

Т и л м а ш қ л а р и.

Тилни оғиздан чиқариш ва оғизга яшириш, чап ва ўнга, юқори ва пастга ҳаракатлантириш, лабларни, танглай, тишларни ялаш ҳаракатлари бажарилади. Тилни ариқча, тоғорача шаклига келтириш, айлантириш, футбол ўйинига, отнинг юришига, чопишига тақлид қилиш, тилни тишлаш машқлари бажарилади.

Ж а ғ м а ш қ л а р и.

Жағни олдинга, орқага тортиш, ўнг, чапга ҳаракатлантириш машқларини шошилмай бажариш талаб этилади. Товушларни талаффуз қилиш учун юқоридаги машқлар навбати билан бажарилади. Нутқ товушининг ҳосил бўлиши — кўп машқлар ва такрорлашлар натижасидир.

«А» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«А» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бир-биридан узоқлашган, оғиз очик ҳолатда бўлади; б) тишлар орасидаги масофа 1,5 см; в) тил пастда, тўғри ҳолатда бўлиб, тил учлари пастки тишлар қиррасига яқин жойлашади; г) тил юмшоқ танглай томон кўтарилади ва бурун йўллари ёпиб туради, ҳаво оқими оғиз орқали ўтади; д) товуш пайчалари тебраниб овоз ҳосил бўлади;

А товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

А _____ ПА _____ ПА _____

А _____ ПАПА _____ ФА _____

Бир нафасда ўқинг.

А _____ ПАПАПА _____ СА _____

А _____ ПАПАПА _____ ПАПАПАПА

Сўзларни тўғри ўқинг.

ака	асал	арча	дарахт	ашула	Андижон
а-ка	а-сал	ар-ча	да-рахт	а-шу-ла	Ан-ди-жон
ака	асал	арча	дарахт	ашу-ла	Анди-жон
				ашула	Андижон

Айиқ, атиргул, лайлак, арра, ари, алла, арпа, сабзи, пахта.



Саволлар.

1. Қайси қизнинг исми А товуши билан бошланади?
2. Қайси ўқув қуролининг номида А товуши бор?
3. Қайси ҳайвон номида А товуши бор?
4. Қайси сабзавотларнинг номида А товуши бор?

Ғапларни тўғри ўқинг.

Атиргул очилди. Азиза ашула айтди. Анвар арча дарахти экди.

АЯЖОН.

Мусулмонқул Асқаров

Ая, ая	Сиз туғилган
Аяжон!	Кун бу кун.
Қалбим тўла	Катта байрам
Ҳаяжон.	Мен учун.

АТИРГУЛ.

Дилфуза Мадраҳимова

Ариқ лабига эккан	Атиргулимни кўриб
Гулим очилди маржон.	Шодлик тўлди дилимга.
Сув бўйини безади	Чунки яхши меҳнатим
Сочилиб ҳиди ҳар ён.	Айланибди гулимга.

«А» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

А — О па — по са — со та — то

Бўгинларни ўқинг.

А — у	па — пу	са — су	та — ту
А — у	па — пў	са — сў	та — тў
А — и	па — пи	са — си	та — ти
А — е	па — пе	са — се	та — те

папо папопапо папопапопапо



Сўзларни тўғри ўқинг.

Алишер, Олим, балиқ, қошиқ, пилла, Адҳам, анор, олча, гилос, бобо, ота, чойнак.

СЕҲРГАР БЎЛСАМ.

Наргиза Мамадалиева

Майдончада Карим, Мурод ва Асқар ўйнаб ўтиришарди. Шу пайт Йўлдош бобо келиб қолди. Болаларнинг саломига алиқ олгач, деди:

- Қайси бирингиз ақлли эканингизни айтиб берайми?
- Айтиб беринг,— дейишибди болалар.
- Мабодо сеҳргар бўлсангиз, нима қилардингиз?
- Мен,— деди Карим,— юз кило музқаймоқ олиб маза қилиб ердим.
- Мен унданам кўп шоколадни бир ўтиришда еб ташлар эдим.

Уртоқларимга ҳам берар эдим,— деди Мурод.

— Мен сеҳргар бўлсам, Ер юзини тинчлик, дўстлик боғига, гуллар диёрига айлантирар эдим,— жавоб берди Асқар. Йўлдош бобо Асқарнинг ақлига тасанно ўқиди. Пешанасидан ўпиб, «баракалла» деб қўйди.

Болалар! Сеҳргар бўлиб қолсангиз, нима қилардингиз?

Топишмоқлар.

Кичкина декча, ичи тўла михча. (Анор.)

Ёзда ҳам, қишда ҳам бир хил кийимда. (Арча.)

Ёғочдан дастаси бор, темирдандир қирқ тиши.

Ушламаса дурадгор, гумон унинг қирқиши. (Арра.)

Текис бўлсин деб девор, хизматга турар тайёр. (Андава.)

Мақоллар

Она билан бола — гул билан лола.

Иш деса айёр, ош деса тайёр.

Ақл ёшда эмас, бошда.

Тез айтишлар

Абдулла арралайди — Мунаввар аллалайди.

Асакали Асад асл асал сақлайди.



Анвар билан Акмал кўчат ўтказишяпти. Айиқни ари чақди.

Ёрдамчи

Далаларда пахталар очилди. Пахта терими бошланди. Асиланинг опаси — теримчи. Асила дам олиш кунлари опасига ёрдам беради.

«О» ТОВУШИНING ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«О» товушини талаффуз қилганда:

- а) лаблар юмалоқ шаклида ва бир оз олдинга чиқади;
 б) лаблар юмалоқланган, тишларни беркитади; в) тил илдизи бир оз юқорига кўтарилади; г) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўлларини ёпиб туради, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади; д) товуш пайлари тебраниб, товуш ҳосил қилади.

«О» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

О _____ ПО _____ ПО _____
 О _____ ПОПО _____ ФО _____
 О _____ ПОПОПО _____ СО _____
 О _____ ПОПОПО _____ ПОПОПОПО _____

Сўзларни тўғри ўқинг.

От	олча	олма	олмахон
ош	ол-ча	ол-ма	ол-ма-хон
	олча	олма	олма-хон
			олмахон



Ота, бош, она, овқат, бодом, осмон, боғ, сочиқ, тароқ, оёқ.
 Боғда олмалар пишди. Боғбон отага болалар ёрдам бердилар.

Саволлар.

- 1) Боғда нималар пишди?
- 2) Боғбон отага кимлар ёрдам берди?
- 3) Қайси ҳайвонларнинг номида **О** товуши бор?
- 4) Қайси гулнинг номида **О** товуши бор?
- 5) Қайси сабзавотларнинг номида **О** товуши бор?
- 6) Қайси меваларнинг номида **О** товуши бор?

«О» товушининг талаффузидаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

О _____ А	ПО _____ ПА	СО _____ СА
О _____ У	ПО _____ ПУ	СО _____ СУ
О _____ ў	ПО _____ ПУ	СО _____ СУ
О _____ И	ПО _____ ПИ	СО _____ СИ
О _____ Е	ПО _____ ПЕ	СО _____ СЕ
ПОПА	ПОПАПОПАПОПА	ПОПАПОПАПОПАПОПА

ТО _____ ТА
ТО _____ ТУ
ТО _____ ТУ
ТО _____ ТИ
ТО _____ ТЕ



Сўзларни ўқинг.

Одина, Асила, ошхона, айиқча, қулоқ, китоб.

Ғапларни тўғри ўқинг:

Болалар қорбобо ясадилар. Олим боғдан олма терди. Омина олма олди. Қизлар лола тердилар.

Топишмоқлар.

Бир парча патир, оламга татир. (Ой.)

Ут, оловни тишлайди, оғиз куйиб пишиллади. (Оташкурак.)

Тоғорада шишади, тандирда у пишади. (Обином.)

Оёқда бор, «қўл»да йўқ, «булоқ»да бор, «кўл»да йўқ.

(О ҳарфи.)

Мақоллар.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас.

* * *

Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

Тез айтиш.


Олим Олимадан олма олдим, Олима Олимдан олма олдим?

* * *

Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ.

Т. Йўлдош

Офтоб чиқди, яшасин,
Олам кулиб, яшнасин.
Яйрасин барча жонвор,
Офтоб танларга мадор.
Офтобла ҳаёт кўркам.
Гул очар чаман ўлкам.
Офтобсиз олам хира,
Булут чиқмасин сира.



Отабек ва Олим аҳил бо-
лалар.

Озода олма узди.

Танаффус.

Қўнғироқ чалинди. Биз ҳовлига чиқдик. Очиқ ҳавода ўйна-
дик. Гулзор атрофида айландик. Дам олдик. Дарсга қўнғироқ
чалинди.

«У» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«У» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар олдинга чиққан; б) тишлар бирлашмаган бўла-
ди ва улар лаблар билан бекилади; в) тилнинг орқа қисми юм-
шоқ танглайгача кўтарилган; г) юмшоқ танглай кўтарилган ва
бурун йўлларини ёпиб туради, ҳаво оқими оғиз бўшлиғи орқа-
ли ўтади; д) товуш пайчалари тебраниб овоз ҳосил қилади.

«У» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

У _____ ПУ _____ ПУ _____
 У _____ ПУПУ _____ ФУ _____
 У _____ ПУПУПУ _____ СУ _____
 ПОПУ ПУПОПУ ПУПОПУПОПУПОПУПО

Сўзларни тўғри ўқинг.

ун	узум	укки	булут	Улуғбек
уч	у-зум	ук-ки	бу-лут	У-луғ-бек
уй	узум	укки	булут	Улуғ-бек
				Улуғбек

Узумзор, Умида, Умар, тутун, какку, туман, сув, сумалак.
 Умида узум узди. Боғда булбул сайради. Бугун ўқувчилар
 Умарнинг туғилган кунига бордилар.



Саволлар.

1. Қайси ҳафта кунини номида У товуши бор?
2. Қайси қушнинг номида У товуши бор?
3. Қайси дарахтнинг номида У товуши бор?
4. Қайси меванинг номида У товуши бор?
5. Қайси парранданинг номида у товуши бор?

ОЛИМ УЯЛДИ

О. Шарафиддинов.

Ўйнаб кўчада Олим
 Вазифани унутди.
 Эртаси ўқитувчи
 Уни саволга тутди.
 Жавоб беролмай Олим
 Нафасин ичга ютди.

Бир нафасда ўқинг.

У _____ А	ПУ _____ ПА	СУ _____ СА
У _____ О	ПУ _____ ПО	СУ _____ СО
У _____ У	ПУ _____ ПУ	СУ _____ СУ
У _____ И	ПУ _____ ПИ	СУ _____ СИ
У _____ Е	ПУ _____ ПЕ	СУ _____ СЕ
ПУПУ	ПУПОПУ	ПУПУПУ
ТУ _____ ТА	ТУ _____ ТИ	
ТУ _____ ТО	ТУ _____ ТЕ	
ТУ _____ ТУ		



Сўзларни ўқинг.

Учувчи, ўйинчоқ, елкан, ишчи, Учқун, Ғулом.
Турғун, сут, ўқувчи, тут, товуқ, мушук, қуш.



Топишмоқлар

Оёғи йўқ қочади, қаноти йўқ учади. (Тутун.)

* * *

Югурдим етолмадим, қўл солиб тутолмадим. (Соя.)

* * *

Каттиқ шўртанг туси оқ, ёнғоқ каби думалоқ. (Қурт.)

Булбул чаманини севар,
Одам — Ватанини.

* * *

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Тез айтиш

Бир туп тут, бир туп турп.
Тут туриппи тутиб турибди, турп тутти тутиб турибди.
Узук кўзи бузуқми, узук кўзи тузукми?

Танишиб олдик.

Ўқитувчи бир болани етаклаб келди. Синфдаги ҳамма ўқувчилар ўрнидан турдилар. У бола уялар эди. Ўқитувчи уни бизларга таништирди. У қўшни мактабдан келган Улуғбек экан. Энди Улуғбек бизнинг синфда ўқийди. Мен у билан дўстлашиб олдим. Улуғбекни барча ўртоқларимга таништирдим.

«Э» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«Э» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар жилмайган ҳолатда бўлади; б) тишлар бир-бирига яқинлашган, лекин бирлашмаган, олдинги тишлар кўриниб туради; в) тилнинг кенг учи пастки тиш қирраларига тегиб туради; г) юмшоқ танглай кўтарилган, бурун йўллари ёпиқ, ҳаво оқими оғиз бўшлиғи орқали ўтади; д) товуш боғламлари тебраниб товуш ҳосил қиладиган ҳолатда бўлиб туришига эътибор бериш керак.

И	_____	Е	_____	Э	
Э	_____	пЭ	_____	пЭ	_____
Э	_____	пЭ	_____	пЭпЭ	_____
Э	_____	пЭ	_____	пЭпЭпЭ	_____
пЭ		пупЭпу		пЭпупЭпу	

Сўзларни тўғри ўқинг.

эл	элак	эшик	эрталаб
эс	э-лак	э-шик	эр-та-лаб
	элак	эшик	эрта-лаб
			эрталаб



Эркин, эчки, эрта, эгар, эгов, Эргаш, эллик, эсдалик, эгивак, этик.

Гапларни тўғри ўқинг.

Эркин эртақ ўқиди. Эрта баҳорда дарахтлар куртак чиқаради. Эшиқ очилиб Эрназар кириб келди. Ўртоғим Эътибор энг аълочи ўқувчи.

Саволлар.

1. Қайси ҳайвон номида Э товуши бор?
2. Қайси оёқ кийими номида Э товуши бор?
3. Қайси бола исмида Э товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида Э товуши бор?

УЙЛАБ КЎР

Йўлдош Маҳмудов

Шодмон ўзинг ўйлаб кўр,	Ёки келгуси йилда,
Яхшимасдир бу ишинг.	Олча керак эмасми?
Олчасини ейман деб,	Эсингдан чиқибди-да.
Новдани синдиришинг.	Мураббосин еганинг.
Кўриб қолса дўстларинг,	Қошиқни ялаб туриб,
Сенга уят демасми?	— Мазза экан,— деганинг.

«Э» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Э ____ О	ПЭ ____ ПО	СЭ ____ СО	ТЭ ____ ТО
Э ____ У	ПЭ ____ ПУ	СЭ ____ СУ	ТЭ ____ ТУ
Э ____ У	ПЭ ____ ПУ	СЭ ____ СУ	ТЭ ____ ТУ
Э ____ И	ПЭ ____ ПИ	СЭ ____ СИ	ТЭ ____ ТИ
Э ____ А	ПЭ ____ ПА	СЭ ____ СА	ТЭ ____ ТА

Эркин ва Илҳом яхши ўртоқ. Мактабимизда эрталиқ бўлди.

Топишмоқлар.

Ёғи йўқ, ёруғи бор,
Иси йўқ, иссиғи бор.

(Чироқ.)

Отдан баланд итдан паст.

(Эгар.)

Тап-тап этади,
тагидан карвон ўтади.

(Элак.)

Мақоллар

Эринчоқнинг иши битмас.

* * *

Эшик очиқ бўлса ҳам,
сўраб кир.

* * *

Бугунги ишни эртага қўйма.

* * *

Одобли бола элга манзур.

* * *

Бирни кессанг, ўрни эк.

Ола эккан оз олар,
Расо эккан соз олар.

ЭГАСИ.

Т. Убайдуллаев

Доскага ёзди мисол,
Она тилидан Олим.
— Гапнинг эгаси қани?—
Савол берди муаллим.

— Мен дер Олим,
Қизармай ҳатто юзи —
Чунки ушбу мисолни
Ўйлаб топтимда ўзим.

ЭРТАЛИК.

Байрам олди эрталиқ ўтказилди. Биз эрталikka пухта тай-ёргарлик кўрдик. Эркин шеър айтди. Эркиной янги қўшиқлари билан ўртоқларини хурсанд қилди. Элнора ва Эргаш рақсга тушдилар. Икром рубобда ёқимли куй чалиб берди. Эрталikka қўшни мактаб ўқувчилари ҳам келишди. Эрталиқ мароқли ўтди.

«И» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«И» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар жилмайган ҳолдагидек бўлади; б) тишлар бири-бирига яқинлашган, лекин бирлашмаган, олдинги тишлар ораси очиқ;

в) тилнинг кенг учи пастки тиш қирраларига, тилнинг ён қирралари эса юқориги катта тишларга тегиб турган, тил кураги қаттиқ танглайга кўтарилган; г) юмшоқ танглай кўтарилиб бурун йўлларини ёпиб турган, ҳаво оқими оғиз бўшлиғи орқали ўтади;

д) товуш пайчалари тебраниб, товуш ҳосил қилади.

«И» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

И ____ ПИ ____

ПИ ____ И ____

И ____ ПИПИ ____

ФИ ____ И ____

И ____ ПИПИПИ ____

СИ ____ И ____

ПИ ПИПАПИ

ПАПИПАПИ


Сўзларни тўғри ўқинг.

ит ишчи
ип иш-чи
ин ишчи

икки
ик-ки
икки

Инобат
И-но-бат
Ино-бат

Икром, иссиқ, илон, игна, идиш, Ислом, пиёз, сабзи, гилос.
Тойчоқ кишнаяпти.



Саволлар.

1. Қайси ҳайвоннинг номида И товуши бор?
2. Қайси қизнинг исмида И товуши бор?
3. Қайси сон номида И товуши бор?
4. Қайси меванинг номида И товуши бор?

МЕҲМОН КЕЛГАЧ.

Маҳмуд Юнус

Айиқ полвон
Кийиб пўстин,
Кутиб олди

Қуён дўстин,
Бир идишга
Асал қўйди.

Бир косада
Сабзи қўйди.

Асалига
Боқмай меҳмон,
Сабзисини еди шу он.
Асални еб

Айиқ тўйди.
Бармоқларин
Ялаб қўйди.

«И» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

И ____ А	ПИ ____ ПА	СИ ____ СА	ТИ ____ ТА
И ____ О	ПИ ____ ПО	СИ ____ СО	ТИ ____ ТО
И ____ У	ПИ ____ ПУ	СИ ____ СУ	ТИ ____ ТУ
И ____ Ў	ПИ ____ ПЎ	СИ ____ СЎ	ТИ ____ ТЎ
И ____ Е	ПИ ____ ПЕ	СИ ____ СЕ	ТИ ____ ТЕ

Ари, олти, ун, ўрик, етти, ўчирғич, ишчи, Ақида.

МУАЛЛИМИМ.

Т. Раҳимов

Муаллим — илк устозим,
Онам каби азизсиз.
Йўлларимга нур берган,
Ердаги қуёшимсиз.

Муаллим, сиз менга
Бўлдингиз кўп меҳрибон.
Таъзим қиламан сизга,
Узоқ йил бўлинг омон.

Билим бериб ҳаётга
Йўллаган ҳам ўзингиз.
Мисоли маёқ бўлди
Айтган ҳар бир сўзингиз.

Топишмоқлар.

Боши тароқ, думи ўроқ.

(Хўроз.)

Тутдан бизга кўйлак тўқир.

(Ипак қурти.)

Аслим тупроқ бўламан,
Пишгач кучга тўламан.
Рангим сариқ, қизғиш, оқ,
Қурувчига мен ўртоқ.

(Ғишт.)

Жажжигина келинчак,
Соч попуги қулочдек.

(Ипли игна.)

Мақоллар.

Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди.

Халқ иши — ҳақ иш.
Илм ақлнинг чироғи.

Ишлнинг иши битар,
Ишсизнинг кунни ўтар.

Тез айтиш

Икромнинг ити Иноятга индамади.
Кишмиш еган кишининг тиши қамашмасмиш.

ИККИ ОНА.

Уйғун

Менинг икки онам бор,	Бири менга тил бериб,
Иккиси ҳам меҳрибон.	Булбул қилиб сайратди.
Бири менга сут берган,	Бири мени бағрида
Бири эса ширин нон.	Гуллар каби яйратди.

Бири туққан онамдир,
Иккинчиси — ҳур Ватан
Иккисига баробар
Қурбон бўлсин жону тан.

КУТУБХОНА.

Синфимизда кутубхона ташкил қилдик. Кутубхона учун ҳаммамиз китоб олиб келдик. Китобларни Иноятга топширдик. У кутубхонани бошқаради. Биз кўп ўқийдиган бўлдик.

«У» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«У» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар юмалоқланган ва олдинга чиққан; б) тишлар ораси очиқ, улар лаблар билан бекилади; в) тилнинг орқа қисми юқори танглайгача кўтарилган; г) юмшоқ танглай кўтарилган ва бурун йўллари эпиб туради, ҳаво оқими оғиз бўшлиғи орқали ўтади; д) товуш пайчалари бирикиб ва тебраниб овоз ҳосил бўлади.

«У» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

У _____	ПУ _____	ПУ _____	У _____	Т _____
У _____	ПУПУ _____	ФУ _____	У _____	Қ _____
У _____	ПУПУПУ _____	СУ _____	У _____	Н _____
У _____	ПУПУПУПУ _____	ТУ _____	У _____	Ч _____

Сўзларни тўғри ўқинг:

ўн	ўртоқ	ўзбек	қўғирчоқ
ўқ	ўр-тоқ	ўз-бек	қў-ғир-чоқ
ўс	ўртоқ	ўзбек	қўғир-чоқ
			қўғирчоқ

Уроқ, ўчирғич, ўрдак, бўри, бўёқ, кўприк, ўрмон, ўктам, ўчоқ, ўрик. Ўрик пишди. Ўрмонда ёввойи ҳайвонлар яшайди. Ўсар ўзбекча китоб ўқийди.




Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «У» товуши бор?
2. Қайси меванинг номида «У» товуши бор?
3. Қайси парранданинг номида «У» товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида «У» товуши бор?

«У» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

У _____	У	ПУ _____	ПУ	СУ _____	СУ	ТУ _____	ТУ
У _____	О	ПУ _____	ПО	СУ _____	СО	ТУ _____	ТО
У _____	А	ПУ _____	ПА	СУ _____	СА	ТУ _____	ТА
У _____	И	ПУ _____	ПИ	СУ _____	СИ	ТУ _____	ТИ
У _____	Е	ПУ _____	ПЕ	СУ _____	СЕ	ТУ _____	ТЕ
ПУ		ПУПУ		ПУПУПУПУПУПУПУПУ			



Ўғилхон, қўл, кўз, қўй, тўп, сўз, тўй, Пўлат.



Расмга қараб гап тузинг.

Топишмоқлар.

Кундузи иззатда, кечаси хизматда. (*Кўрна.*)
Ўтда ёнмайди, сувга ботмайди. (*Муз.*)

Тез айтиш.

Ўктам ва Ўткир ўтлоқда ўтирди.

КИТОБ ЎҚИГАН БОЛА.

Пўлат Мўмин

Ўрганар аввал одоб—	Хурмат қилар каттани,
Китоб ўқиган бола.	Кичиклар жони — тани,
Юзи бўлади офтоб.	Бажаради ваъдани —
Китоб ўқиган бола.	Китоб ўқиган бола.

ДАРСДА.

Қўнғироқ чалинди. Ҳамма ўқувчилар синфга киришди. Ўқитувчимиз ҳам келдилар. Ўқувчилар билан саломлашди. Дарс бошланди. Ўктам доскага чиқди. У берилган масалани ечди. Ўқитувчимиз унга «5» баҳо қўйдилар.

«Е» ТОВУШИНИНГ ТУҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Е» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар кулган ҳолатда; б) тишлар бир-бирига яқинлашган; в) тил учи пастки курак тишларининг орқасида туради, тилнинг ён қирралари ён курак тишларига тегиб туради; тил курагининг ўрта қисми қаттиқ танглайга кўтарилган ва иккаласининг орасида тирқиш ҳосил бўлиб ҳаво чиқади; г) товуш пайчалари тебраниб товуш ҳосил қилади.

ИЭ _____ Е	ПЕ _____ ПЕ	Е _____
Е _____ ПЕ	ПЕ _____ ТЕ	Е _____
Е _____ ПЕПЕ	ПЕ _____ СЕ	Е _____
Е _____ ПЕПЕПЕ	ПЕПЕПЕПЕ	ПЕПЕПЕПЕПЕПЕ

Сўзларни тўғри ўқинг.

ер	етти	елпиғич
ел	ет-ти	ел-пи-ғич
енг	етти	елпи-ғич

Бўғинга бўлиб ўқинг.

Елим, енгил, теша, бешик, беланчак.

Элбек катта кемада келди. Уни Мелибек кутиб олди.

Саволлар.

Қайси сон номида «Е» товуши бор?

Қайси дарахт номида «Е» товуши бор?

Қайси ҳайвоннинг номида «Е» товуши бор?

КЕЛДИ БАҲОР.

М. Қўшоқов

Тоғда нега
Эриди қор?
Нега лойқа
Оқар анҳор?
Нега қуёш
Бизга тагин
Нурларини
Сочди ёрқин?
Нега яна
Ишга жўнар

Гуриллашиб
Тракторлар?
Нега яна
Ечиб пальто,
Кўйлакдамиз
Энди ҳатто?
Нега гуллар
Кулди тажрор
Чунки яна
Келди баҳор.

«Е» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Е _____ О	ПЕ _____	ПО _____	СЕ _____	СО _____	ТЕ _____	ТО _____
Е _____ А	ПЕ _____	ПА _____	СЕ _____	СА _____	ТЕ _____	ТА _____
Е _____ У	ПЕ _____	ПУ _____	СЕ _____	СУ _____	ТЕ _____	ТУ _____
Е _____ И	ПЕ _____	ПИ _____	СЕ _____	СИ _____	ТЕ _____	ТИ _____
Е _____ Ё	ПЕ _____	ПЁ _____	СЕ _____	СЁ _____	ТЕ _____	ТЁ _____
ПЕПЕ	ПЕОПУ	ПЕПЕПУПЕПЕПУ				

Бўғинга бўлиб ўқинг.

Ертўла, дераза, ёмғир, беш, терак, тулки, сава.



Мақоллар.

Етти ўлчаб бир кес.
Бекорчидан ҳамма безор.
Ер очгаининг бахти очилар.
Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат.

Топишмоқлар.

Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор. (Пиёз.)
Ерга урсанг ишлайди, ерни ғарчча тишлайди. (Кетмон.)

Тез айтишлар.

Еттита ботир еттита елканда сузди.

Ўзишга қўймасдим.

Эргаш Ёндош

Қўзичоғим,	Юлиб ейди карт-карт.
— Қўзичоғим!	Сўнг чопқиллаб унга дейман:
Десам,	— Ета олган мард-мард!
Дейди:— Ба-ба-ба!	У ўзади, мен қоламан
Барра печак тутиб	Кулги бўлиб ўртада...
дейман:	Ўзишига қўймасдим-у,
— Евалақол ма-ма!	Оёқлари тўртта-да!
Елиб, келиб, қўлдан	
ўтим	

Ҳапларни тўғри ўқинг.

Етти кеча-ю, етти кундуз ёмғир ёғди. Ёрқиной елпиғич тикди. Биз жисмоний тарбия дарсини яхши кўрамыз. Кеча югуриш машғулоти бўлди. Ўқитувчининг рухсати билан Алишер ва Элбек югуришди. Элбек орқада қола бошлади. Маррага аввал Алишер етиб келди.

«Ё» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Ё» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар «о» товушини талаффуз этган каби; б) тишлар бир-бирига яқинлаштирилади; в) тил учи пастки курак тишларининг орқасида туради, тил курагининг ўрта қисми қаттиқ танг-

лайга кўтарилади ва иккаласининг орасидан ҳаво чиқади;
г) товуш пайчалари тебраниб овоз ҳосил қилади.

«Ё» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

И _____ О _____
И _____ О _____ Ё _____ И _____ О _____ Ё _____
Ё _____ ПЁ _____ ПЁ _____ Ё _____ П _____
Ё _____ ПЁПЁ _____ ФЁ _____ Ё _____ Ш _____
Ё _____ ПЁПЁПЁ _____ СЁ _____ Ё _____ Т _____

Сўзларни тўғри ўқинг.

ёз	ёзув	ёруғ	ётоқхона
ёғ	ё-зув	ё-руғ	ё-тоқ-хо-на
	ёзув	ёруғ	ётоқ-хо-на
			ётоқхо-на
			ётоқхона

Ёстиқ, Ёрмат, ёмон, ёғоч, ёлғон, қуён, Сайёра.



Ғапларни тўғри ўқинг.

Ёғингарчилик ўз вақтида бўлгани яхши. Ёш сайёҳатчилар
қамишдан чайла қуриб олдилар. Ёнғинга йўл қўйманг!



Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Ё» товуши бор?
2. Қайси мева номида «Ё» товуши бор?
3. Қайси дарахт номида «Ё» товуши бор?
4. Қайси ҳайвон номида «Ё» товуши бор?

ЁМҒИР ЁҒАР

П. Мўмин

Шамол эсар	Гуллар роса
Ғир-ғир эсар.	Олар озиқ.
Қўкдан ёмғир	Ёмғир ёғар,
Ёғар бир-бир.	Ёмғир ёқар.
Суви тоза,	Қўкдан ёмғир
Сутдай тиниқ.	Ёғар бир-бир.

«Ё» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Ё _____ О	ПЁ _____ ПО	СЁ _____ СО
Ё _____ А	ПЁ _____ ПА	СЁ _____ СА
Ё _____ У	ПЁ _____ ПУ	СЁ _____ СУ
Ё _____ И	ПЁ _____ ПИ	СЁ _____ СИ

Сўзларни ўқинг.

Дарё, дунё, елкан, сиёҳдон, ёрдам, қуёш, ёнғоқ, пиёла, пиёз.

Мақол

Ёмон кун яхши бўлар, ёмон одам яхши бўлмас.
Ёлғончига қўшилма, рост сўзингни яширма.

Топишмоқлар.

Тилла сандиқ очилди, ичидан зар сочилди. (*Қуёш.*)
Икки томони пўстлоқ, ўртасида сариёғ. (*Ёнғоқ.*)

Ёшлигингиз қаёқда?

Қ. Муҳаммадий

— Буви нега қарисиз?	Бувим ҳайрон сўзимга
Ёшлигингиз қаёқда?	Термиларлар юзимга.
Одам нега қарийди?	— Сени жондек севганман,
Ёшлик кетар қаёққа?	Севиб завқлар сурганман.
Зўрға туриб оёққа	Сендай оппоқ қизимга,
Суянасиз таёққа.	Юзлари қирмизимга
Ёшлигимни	берганман.

Тез айтиш.

Ёш мушук, мош мушук, мош мушук ёш мушук.

Ёмғир, ёмғир ёғ, ёғ.

Деҳқон бувам димоғи чоғ, чоғ, чоғ.

«Ю» ТОВУШИНИНГ ТАЛАФФУЗИ

«Ю» товушини талаффуз қилганда:

«Ю» товушининг айтилиш ҳолати ҳам «Ё» товушига ўхшайди. Фақат «Ё» товушида лаблар бир-биридан узоқлашган бўлса, «Ю» товушида яқинлашган бўлади.

«Ю» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

И _____ У _____ Ю	И _____ У _____ Ю
И _____ У _____ Ю	ИУ _____ Ю
Ю _____ ПО	ПЮ _____
Ю _____ ПЮПЮ	СЮ _____
Ю _____ ПЮПЮПЮ	ТЮ _____

Сўзларни тўғри ўқинг.

юр	Юлдуз	юрак	югурди
юз	Юл-дуз	ю-рак	ю-гур-ди
	Юлдуз	юрак	югур-ди
			югурди

Юнг, юмшоқ, довярак, юмалоқ, суюнчи, юмшоқ, қуюқ, буюк.
Юсуф эрталаб ювинди. Ямин, Яшинлар юк ташидилар.



Саволлар.

1. Қайси ҳайвон номида «Ю» товуши бор?
2. Қайси бола исмида «Ю» товуши бор?
3. Қайси сон номида «Ю» товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида «Ю» товуши бор?


Ҳ. Еқубов

Юм-юмалоқ шарим бор,
Дум-думалоқ шарим бор.
Қоғоздан юпқа пўсти,
Гулзорга ўхшар усти.
Енгилдир қушдан, пардан
Баланд учар каптардан.

«Ю» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

Ю _____ У	ПЮ _____ ПУ	СЮ _____ СУ
Ю _____ О	ПЮ _____ ПО	СЮ _____ СО
Ю _____ А	ПЮ _____ ПА	СЮ _____ СА
Ю _____ И	ПЮ _____ ПИ	СЮ _____ СИ
Ю _____ Е	ПЮ _____ ПЕ	СЮ _____ СЕ
Ю _____ У	_____ И _____ А _____ Е _____ Ю	



Ютуқ, Қаям, Юнус, Юсуф.

Мақоллар.

Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юради.
Юрти бойнинг ўзи бой.
Ютуқнинг калити — меҳнат.
Юрган дарё — ўтирган бўйро.

Топишмоқ.

Тун чоғида милтилаб,
Осмонни қоплаб олар.
Тонг маҳали липилаб,
Яна йўқолиб қолар. (Юлдуз.)

Тез айтиш

Юмалаб-юмалаб кетоман, юмалаб кетсам қайтоман.

Миразиз Аъзам

Қўк юзини яшнатар,
Минглаб юлдузлар,
Ер юзини янгратар
Ўғил ва қизлар.

Гапларни тўғри ўқинг.

Юсуф Юлдузни кўрди. Юнус ота юганча олди. Умида узум узди. Умар қўшиқ куйлади.

«Я» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«Я» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар кулган каби бўлади; б) тишлар бир-бирига яқинлашган; в) тил учи пастки курак тишларининг орқасида туради; г) тилнинг ён қирралари тишларга тегиб туради; д) тил курагининг ўрта қисми кўтарилиб бурун йўлларини тўсиб қўяди; е) товуш пайлари тебраниб овоз ҳосил қилади.

«Я» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

ИА _____ Я Й _____ А ЙА _____ Я _____
 И _____ А И _____ А И _____ А
 Й _____ А Й _____ А Я _____
 Я _____ ПЯ _____ ЛЯ _____ СЯ _____
 Я _____ ТЯ _____ МЯ _____ НЯ _____

Сўзларни тўғри ўқинг.

яша	яйра	яхмалак	якшанба
яра	яй-ра	ях-ма-лак	як-шан-ба
	яйра	яхма-лак	якшан-ба
		яхмалак	якшанба

Ямин, Яшин, япроқ, ловия, суяк, соябон, туяқуш, ямоқ, яшил, якка, япроқ, ялмоғиз, ялпиз, ялқов, яхна.


Болалар яхмалак учяптилар. Олия ва яшин яқинда мактабга боради.



«Я» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Я _____	О _____	ПЯ _____	ПО _____	СЯ _____	СО _____	ТЯ _____	ТО _____
Я _____	У _____	ПЯ _____	ПУ _____	СЯ _____	СУ _____	ТЯ _____	ТУ _____
Я _____	А _____	ПЯ _____	ПА _____	СЯ _____	СА _____	ТЯ _____	ТА _____
Я _____	И _____	ПЯ _____	ПИ _____	СЯ _____	СИ _____	ТЯ _____	ТИ _____
Я _____	Е _____	ПЯ _____	ПЕ _____	СЯ _____	СЕ _____	ТЯ _____	ТЕ _____
Я _____	ПЯ _____	ПЯПЕПА _____	ПЯПАПЕПЯ _____				



Яшна, арпа, яланг, суяк. Яшасин ер юзидаги тинчлик!

Мақоллар.

Тотли сув тошдан чиқар,	Яхшилик ерда қолмас.
Яхши ақл — бошдан.	Яхши ният — ярим мол.

Тез айтиш.

Яшнар Яшиннинг яшигига ялпиз солди.

Топишмоқлар.

Новдаларнинг қулоғи — кислороднинг булоғи. (Япроқлар.)
 Илон изли ёруғ нур,
 Булутларни қучади.
 Жарангдор овозидан.
 Еру осмон кўчади. (Яшин, чақмоқ.)

Янги гулбоғ.

Эсон Раҳимов

Янги ерда янги шабада,	Чанглар тўзиб учолмас энди,
Гижинглайди гўёки тойчоқ,	Яшнар қанча кўркам
Ҳамма нарса янги саҳрода,	Ўрмон, боғ,
Чаман-чаман гуллайди ҳар	Барханлари кўчолмас энди,
ёқ!	Қушлар учса қуймас қаноти,

Четлаб ўтмас энди ҳеч қачон. Ажин босмас энди ер юзин,
Ошён билиб бор қушлар зоти, Тошиб оқар дарё-ю сойлар.
Чақ-чақ уриб яйрашар ҳар он. Кўзгу бўлиб кўрсатар ўзин.

Қанча қўллар очиб чиройлар!
Кекса сахро яшнайти қаранг,
Яшартирди акажонларим.
Ерлар кўкси кўркам, ранг-баранг.
Ясантирди опажонларим!

Ямин бобо чўпон.

У қўй-қўзиларни яйловда боқади. Яшин бобосининг олдида бориб туради. Яшин ўртоғи Умарни ҳам яйловга олиб боради. Улар бобосига ёрдам берадилар.

«Й» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«Й» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар кулган ҳолатда бўлади; б) тишлар бир-бирига яқинлашган; в) тил учи пастки курак тишларнинг орқасида бўлади, тилнинг ён қирралари тишларга ички томондан тегиб туради. Тил курагининг ўрта қисми қаттиқ танглайга кўтарилади ва шу тирқишдан ҳаво чиқади; г) юмшоқ танглай бурун йўлларини тўсиб қўяди, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали чиқади; д) товуш пайчалари тебраниб овоз ҳосил қилади.

«Й» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

Й _____	АЙ _____	И _____
И _____	ОЙ _____	И _____
И _____	УЙ _____	И _____
И _____	АЙ _____	ОЙ _____
УЙ _____	ИИ _____	

Сўзларни тўғри ўқинг.

йил	Йўлчи	йўлбарс	йигирма
йўл	Йўл-чи	йўл-барс	йи-гир-ма
	Йўлчи	йўлбарс	йигир-ма
			йигирма

Кийик, қўй, кийим, ой, бой. Йўлдош, лайлак, жийда, йўлбарс, айиқ.

Йўлчи, Ойгул ва Ойбарчинлар ўйнапти. Йўлдош йилқи боқди. Нодира кўйлак тикди. Ҳайвонот боғида йўлбарс, лайлак, айиқ, кийикни кўрдик.



Бирдан осмон қорайиб
кетди,
Босди пахмоқ булут
галаси.
Уфқларда чақмоқ йилт
ётди.

Шаррос қуйди баҳор жаласи.
Қўп ўтмасдан жала ҳам тинди,
Осмон яна буллурдек балқди.


Қизғалдоқлар оқ мунчоқ тақди,
Қўй-қўзига соф ҳаво ёқди.

Шамси одил.

«Й» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

Й _____	А _____	Й _____	О _____	Й _____	У _____	Й _____
Й _____	А _____	Й _____	О _____	Й _____	У _____	Й _____
Й _____	А _____	Й _____	О _____	Й _____	У _____	Й _____



Ой, сой, чой, ер, етти, елкан, йилқи, йил, йигит.
Бир йилда ўн икки ой бор.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида **Й** товуши бор?
2. Қайси ҳайвон номида **Й** товуши бор?
3. Қайси сон номида **Й** товуши бор?

Мақоллар

Йигит сўзидан, йўлбарс изидан қайтмас.
Йигит моли ерда.

Топишмоқ.

Кичкина митти, Холхўжани йиқитди. (*Уйқу.*)

Тез айтиш.

Йўлчи йўлда йўл-йўл йўлбарсни кўрди.

О. Шарафиддинов

Ойдин лола ғоз бўлди,
Ўйинимиз соз бўлди.
Зокир оч тулки бўлди,
Ғозларни тутиб келди.

Ғозлар қочди даладан,
Қўрқиб тулки боладан.
Тулкимиз етолмади,
Ғозларни тутолмади.

Уйча.

Мактаб яқинида уй қурилмоқда эди. Йўлдош қурувчилар ишини доим ҳавас билан кузатарди. У ҳам мих, ёғоч, тахта тўплади. Дам олиш куни кичкина уйча ясади. Унинг уйчаси жуда чиройли чиқди.

«П» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«П» товушини талаффуз қилганда:

а) аввал лаблар тинч жипслашган бўлади, сўнгра ҳавонинг тез чиқиши натижасида очилади; б) тиш қирраларидаги масофа ва тилнинг ҳолати товушдан кейин келадиган унли товушга боғлиқ бўлади; в) юмшоқ танглай бурун йўллариини ёпиб туради, ҳаво оғиз бўшлиғидан чиқади; г) товуш пайчалари очиқ, тебранмайди, товуш жарангламайди.

«П» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

ПА _____ ПА _____ ПАПА _____
 ПА _____ ПАПА _____ ПАПОПА _____
 ПА _____ ПАПАПА _____ ПАПУПО _____
 ПА _____АП _____ПУ _____УП _____ПИ _____ИП _____
 П П П ПАПАПА

Сўзларни тўғри ўқинг.

поя	пиёз	пичоқ	пайшанба
пул	пи-ёз	пи-чоқ	пай-шан-ба
	пиёз	пичоқ	пай-шан-ба
			пайшанба

Пайпоқ, телпак, пиёла, пўстин, оппоқ, топишмоқ, тупроқ, пахта.



Саволлар.

1. Қайси ҳафта кун номида П товуши бор?
2. Қайси қизларнинг исмлари П товуши билан бошланади?
3. Қайси ўсимликнинг номи П товуши билан бошланади?
4. Қайси сабзавотнинг номида П товуши бор?
5. Қайси кийимнинг номида П товуши бор?



Пўлат энг аълочи ўқувчи.

Покиза гул терапти.

ПОПИШАК

М. Жўраев


Ола-була қанотим,
Епинчиғим — банотим,
Тожимни бўянг созлаб,
Патларимни пардозлаб,
Узун тумшуғим билан
Йўл четларин ковлайман.
Қўрт-қумурсқа овлайман!

«П» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

П _____ Б	ПА _____ БА	АПА _____ АБА
П _____ Б	ПО _____ БО	АПО _____ АБО
П _____ Б	ПУ _____ БУ	АПУ _____ АБУ

Пахта, балиқ, полиз, бола, китоб, капгир.



Топишмоқлар

Қордай оппоқ, юнгдай юмшоқ. (Пахта.)

Оқ тойчоғим сургалади, йўргакка буркалади.

(Пилла қўрти.)

Мақол.

Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла.

Поклигинг — соғлигинг.

Тез айтиш

Пирпирак пириллайди, чирилдоқ чириллайди.

Теша боп соп, қопда сероб.

Қушларжон.

Пир-пир учар қушларжон,
Вақтин хушлар қушларжон.

Оқшом чоғи бизлардай.
Уйга шошар қушларжон.

УЖАР

М. Раззоқ

Мансур ўрик данагин
Чақди тишда тинмайин.
Насиҳатни олмади,

Ўжарлиги қолмади.
Энди оғриб тишлари
Пушаймондир ишлари.

Ўтган дам олиш куни Барчиной билан кинога бордик. Уша куни Парпи билан Соҳиба ҳам кинога боришган экан. Қинони қўриб бўлгач, Парпиларникига бордик. Парпининг онаси Баҳринисо опа пахта теримига кетган экан. Биз Баҳринисо опанинг ишлаётган жойига бордик. Ҳаммамиз Баҳринисо опага ёрдам бердик.

«Б» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«Б» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар тинч ҳолатда бириккан бўлиб, ҳаво чиқиш билан бирданига очилади; б) тиш қирраларидаги масофа ва тилнинг ҳолати «Б» товушидан кейин келадиган унли товушга боғлиқ бўлади; в) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўллари-ни ёпиб туради, ҳаво оқими оғиздан ўтади; г) товуш пайчалари бириккан бўлади ва тебраниб товуш ҳосил қилади.

«Б» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

БА _____	БАБАБА	АБА	БАЛИҚ
БО _____	БОБОБО	АБО	БОБИР
БУ _____	БУБУБУ	АБУ	БУГУН

Сўзларни тўғри ўқинг.

боғ	бола	байроқ	Санобар
бош	бо-ла	бай-роқ	Са-но-бар
бир	бола	байроқ	Сано-бар

Аброр, омбор, баҳо, бодом, бармоқ, қорбобо, байрам.
Санобар билан Ботир китоб ўқияпти. Барчиной боғчага борди.

БУЛБУЛГА

Уйғун

Жон булбулим, булбулим, боғда очилган гулим! Сенга қучоқ кераман, гулларимдан бераман.	Сен ҳам менга дўст бўлиб, атрофимда ўйнаб юр! Мен дарсимни тайёрлай, Сен ашула қилиб тур.
---	--

Саволлар.

1. Қайси гулларнинг номида «Б» товуши бор?
2. Қайси мевалар номида «Б» товуши бор?
3. Қайси ҳайвон номида «Б» товуши бор?
4. Қайси боланинг исмида «Б» товуши бор?
5. Қайси қизнинг исмида «Б» товуши бор?

Бола, байрам, сабзи, барг, бўри.



Галларни ўқинг.



Навбатчи дафтарларни тарқатяпти. Баҳром бобо яхши боғ-
бон. Баҳодир ва Ботирлар бобосига қарашди. Булбул жуда
ёқимли сайрайди. Булбул чиройли қуш. Баҳорнинг биринчи
хушбўй гули бинафшадир. Бинафшадан сўнг ёқимли, нозик
настарин очилади.

«Б» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

Б _____ П	БА _____ ПА	АБА _____ АПА
Б _____ П	БО _____ ПО	АБО _____ АПО
Б _____ П	БУ _____ ПУ	АБУ _____ АПУ

Баҳо, пахта, паҳлавон, Барчиной, капалак, китоб, тўп.





Топишмоқлар.

Пак-пакана бўйи бор
Маллагина тўни бор.

(Беҳи.)

Тег-тег десам тегмайди
Тегма десам тегади.

(Лаб.)

Мақоллар.

Боғни боқсанг боғ бўлур,
Ботмон дахсар ёғ бўлур.

Баҳорги ҳаракат — кузги
баракат.

Тез айтиш.

Бобир боққа, Ботир тоққа борди.

Ботирнинг бобоси Берди бобо булоқ бошида дам олди.

БУВИМ БИЛАН МЕН

Ҳ. Еқубов

Бувижоним кексалар,
Бир иш, бир гап
айтсалар,
Бажараман чопганча,
Олқиш оламан қанча.
Мен ҳам уйда, сўзим
чин,

Қатталарга ёрдамчи.

Сув қўяман гулимга,
Ўт бераман эчкимга.
Эшик очсам, супурсам,
Ашула айтсам, кулсам,
Бувим дерлар бўлиб шод:
— Раҳмат, қизим, камол топ!

Арча байрамига қорбобо келди. Ҳамма йиғилди. Қорбобо қорқизни чақирди. Қорқиз қўшиқ айтди. Биз чапак чалдик. Қорбобо совға улашди. Биз раҳмат айтдик.

«Т» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«Т» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бироз очиқ бўлади. б) тишлар бир-бирига яқинлашади, аммо бирикмайди. в) «Т» товуши А, И, О, У товушлари билан биргаликда талаффуз этилганда тилнинг олдинги курак қисми юқориги тишларга тиралиб туради. Т товуши А, Ё, Ю унли товушлари бирикмаси билан талаффуз этилганда, тилнинг учи пастга тушган бўлиб пастки курак тишларига тегиб туради; ғ) юмшоқ танглай юқорига кўтарилган бўлиб, бурун йўллари ёпади. Ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади. д) товуш пайчалари очиқ бўлиб, товуш жарангламайди.

«Т» товушининг тўғри ва аниқ талаффузи

ТА	ТА	ТАТАТА	ТА	АТ
ТА	ТАТА	ТОТОТО	ТЕ	ЕТ
ТА	ТАТАТА	ТУТУТУ	ТИ	ИТ

Сўзларни тўғри ўқинг.

тош	тароқ	товуқ	Тожихон
от	та-роқ	то-вуқ	То-жи-хон
тил	тароқ	товуқ	Тожи-хон
			Тожихон

Офтоб, Толиб, Тоҳира, тол, катта, олти, тўққиз.

Расмга қараб гап тузинг.





Саволлар.

1. Кимнинг иси «Т» товуши билан бошланади?
2. Қайси ҳайвоннинг номи «Т» товуши билан бошланади?
3. Қайси идишнинг номида «Т» товуши бор.
4. Қайси парранданинг номида «Т» товуши бор?
5. Қайси сабзавотнинг номида «Т» товуши бор?

Пиллачи.

Ҳ. Бозор

Мусаффо тонг
Чоғида,
Далалар қучоғида
Тутзорларни оралаб,
Барг тераман
Саралаб.


Раҳматлар айтиб
Тутга,
Бераман пилла қуртга.
Десалар ҳам
Пилла қурт
Аслида у —
Тилла қурт.

«Т» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

Т _____ Д	ТА _____ ДА	АТА _____ АДА
Т _____ Л	ТО _____ ДО	АТО _____ АДО
Т _____ У	ТУ _____ ДУ	АТУ _____ АДУ

Дарахт, Тоҳир, Ботир, бодом, тахта, дарсхона, товоқ, одам.



Даврон китоб ўқияпти. Тошкент — катта ва обод шаҳар.
Дўстим Тошмат Тошкентда яшайди.

Қатор-қатор тош тердим,
Жайрон отни бўш қўйдим.

(Тил, тиш.)

Пиширсанг ош бўлур,
Пиширмасанг қуш бўлур.

(Тухум.)

Мақоллар

Тўртовлон тугал бўлса, унмагани ундирар.
Тукилса манглай теринг,
Унумли бўлар еринг.

Тез айтиш

Тоҳир тоғда тракторини тириллатиб турибди.
Тубсиз денгиз дедингизми, денгиз тубсиз дедингизми?

ПАХТА ҚЎШИҒИ

Қ. Муҳаммадий

Гўза ўсар шох отар,	Гуллар тугди кўсакча,
Гунчалар қатор-қатор.	Ҳай-ҳай ҳусни бўлакча.
Гул ёзишди пушти, оқ,	Кўсак тўлиб етишди,
Ранг-барангу, ним	Мана мағзи ҳам пишди.

пистоқ.

Кўсак тўртга бўлинди,
Кумуш пахта кўринди.

«Д» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ

«Д» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бироз очиқ ҳолатда; б) тишлар бир-бирига яқинлашган, лекин жипслашмаган; в) «Д» товуши э, и, о, у унли товушлари билан талаффуз қилинганда, тилнинг олдинги қисми юқориги тишларга тиралиб туради; г) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўларини ёпади; Бунинг натижасида ҳаво оғиз бўшлиғидан ўтади; д) товуш пайлари боғланган бўлиб тебранади, жарангли товуш ҳосил бўлади.

«Д» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

ДА ____	ДАДАДА	ДИ ____	ДИ ____	ДИ ____	ДИЛДОРА
ДО ____	ДОДОДО	ДУ ____	ДУ ____	ДУ ____	ДУМ

Сўзларни тўғри ўқинг.

дон	дарё	дафтар	дераза
дарс	дар-ё	даф-тар	де-ра-за
	дарё	дафтар	дера-за
			дераза

Даврон, дил, Дилшод, давон, дурадгор, деҳқон, дори, Дилфуза.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Д» товуши бор?
2. Қайси қизнинг исмида «Д» товуши бор?
3. Қайси ҳайвоннинг номида «Д» товуши бор?
4. Қайси гулларнинг номида «Д» товуши бор?
5. Қайси мевалар номида «Д» товуши бор?
6. Қайси сабзавотлар номида «Д» товуши бор?

Бу ким?
Бу Дамин.



Бу ким?
Бу Адиба.



ДУСТЛИК

3. Диёр

Тожики, қозоқ, ўзбек, рус,
Яқин ўртоқ, иноқ, дўст.
Шу дўстликнинг боғида,
Ўйнаб-кулиб шодон ўс!

Она — Ватан бизларни
Олган иссиқ бағрига
Қимки бизга ёт бўлса,
Кетар ернинг қаърига,

Расмга қараб гап тузинг.



«Д» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Д _____ Т ДА _____ ТА АДА _____ АТА

Д _____ Т ДО _____ ТО АДО _____ АТО

Д _____ Т ДУ _____ ТУ АДУ _____ АТУ

Дарахт, терак, доира, тоғора, дон, том, шудгор, тандир.

Топишмоқлар.

Икки япроқ бир танда, кезар гулзор чаманда.

(Қапалак.)

Ранги ҳар хил: кул ранг, оқ,

Оёқлари юнг пайпоқ.

Ашуласи ғоқ, ғоқ, ғоқ,

Севган ери сув, ўтлоқ.

(Ўрдак.)

Мақоллар.

Дастурхонга боққан дўст эмас.

Дангаса ишдан қочар.

Дарахт бир жойда кўкаради.

Дўст бошингга кулфат тушганда билинади.

Тез айтиш.

Доно Дамирадан дазмол олдим, Дамира Донодан дазмол олдим?

ҚАЛДИРҒОЧ.

С. Бурхонов

Қалдирғочим — қалдирғоч,
Ўлкамизда ёз қулоч.
Ин қуриб хас-ҳашакдан,
Пар тўшакда бола оч.

Чуғурлайсан эрта, кеч,
Чарчамайсан, аммо ҳеч.
Қалдирғочим, қалдирғоч,
Ўлкамизда ёз қулоч.

Дугоналар.

Дилбарнинг дугоналари кўп. Улар бирга мактабга борадилар. Дарсдан сўнг бирга ўйнайдилар. Яқинда улар расм тўғарагига ёзилишди. Энди биргалашиб расмлар чизишади. Ҳамма уларнинг иноқлигига ҳавас қилади. Дўстлик бор жойда иш унумли бўлади.

«К» товушининг тўғри талаффузи

«К» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бир-биридан узоқлашган ҳолатда бўлади; б) тишлар ораси бироз очиқ; в) «К» товуши а, о, и, у унли товушлари билан талаффуз этилганда, тил учи пастки курак тишларга бироз етмай туради, тилнинг орқа кураги юмшоқ танглай билан бирикади, «К» товуши я, е, ё, о унли товушлари бирикмаси билан талаффуз этилганда, тил учи пастки курак тишларга тегиб туради, тил кураги эса қаттиқ танглайга тегади; г) юмшоқ танглай кўтарилган бўлади, бунинг натижасида бурун йўллари ёпилиб, ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғидан ўтади; д) товуш пайчалари очиқ, товуш жарангламайди.

«К» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

КА _____ КА	КАКАКА	КА _____ АК
КО _____ КОКО	КОКОКО	КО _____ ОК
КУ _____ КУКУКУ	КУКУКУКУ	КУ _____ УК

Сўзларни тўғри ўқинг.

кун	карам	каптар	капалак
күз	ка-рам	кап-тар	ка-па-лак
	карам	каптар	капа-лак
			капалак

кўча, кўчат, Карима, мактаб, чойнак, куртак, эртақ, ипак, кучук.

Саволлар.

1. Қайси парранданинг номида «К» товуши бор?
2. Қайси қизнинг исмида «К» товуши бор?
3. Қайси ҳайвоннинг номида «К» товуши бор?
4. Қайси кийимларнинг номида «К» товуши бор?
5. Қайси идишнинг номида «К» товуши бор?
6. Қайси сабзавотларнинг номида «К» товуши бор?

П. Мўмин

Пахта экиб, донг таратган,
Меҳнат билан бахт яратган,
Боғларингга гул ярашган,
Озод ўлкам,
Обод ўлкам,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!
Кўркам Тошкент сенга пойтахт,
Қучоғида кулгандир бахт,
Яшил шаҳар.
Бағринг баҳор,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!


«К» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

К _____Г	КА _____ГА	АКА _____АГА
К _____Г	КО _____ПО	АКО _____АГО
К _____Г	КУ _____ГУ	АКУ _____АГУ

Китоб, сигир, макка, тугма, гилос.

Кимёхон гулга сув қўйяпти. Қаромат гиламни супурди.



Топишмоқлар.

Қат-қат тўнли, қарич бўйли. (Қарам.)

Биров келса дарров, сигнал берар «вов-вов!». (Кучук.)

Илм-фанларнинг кони, билимдонларнинг жони. (Китоб.)

Мақоллар.

Ҳаракатда баракат. Қамтарга камол—манманга завол.

Кучли бўлай десанг дўст орттир. Кучинг етган ишга ёпиш.

Тез айтиш.

Тўп-тўп кўк копток, ҳар туп кўк коптокда биттадан катта кўк копток.

КЎЧАТ.

О. Шарафиддинов

Дадам ўтказган кўчат
Роса олма қилади.
Мевасини кўтаролмай
Гавдаси букилади.

Бутоғи синмасин деб,
Дадам қўйганда тиргак,
Мен-чи, қараб турмасдан,
Дадамга бердим кўмак.



Кунгабоқар.

О. Шарафиддинов

Кунгабоқар — ажойиб ўсимлик. У жуда тез ўсади. Унинг донли қисми лагандай бўлади. У доимо қуёшга қараб туради. Қуёш ҳаракати бўйлаб ҳаракат қилади. Шунинг учун уни кунгабоқар дейилади.

«Г» ТОВУШИНИНГ ТУҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Г» товушини талаффуз қилганда:

а) тишлар бир-бирига яқинлашган бўлади, аммо бирикмайди; б) лаблар бироз очиқ бўлади; г) г товуши а, о, и, у унли

товушлари билан бирикиб талаффуз қилинганда, тил учи пастга тушган ва пастки курак тишларидан итарилган, тил курагининг орқа қисми юмшоқ танглай билан бириккан бўлади; д) г товуши я, ю, е, ё унли товушлари бирикмасида талаффуз этилганда тил учи пастга тушади ва пастки тишларига тегиб туради. Ҳаво оғиз бўшлиғи орқали чиқади, уни пайчалари титраб жарангли г товуши ҳосил бўлади.

«Г» товушининг тўғри, аниқ талаффузи.

ГА _____	ГАГА _____	АГА _____
ГО _____	ГОГО _____	АГО _____
ГУ _____	ГУГУ _____	АГУ _____
ГМ _____	ГИГИ _____	АГИ _____

Сўзларни тўғри ўқинг.

гул	гилос	гуруч	гуллола
гап	ги-лос	гу-руч	гул-ло-ла
	гилос	гуруч	гул-ло-ла
			гуллола

Гулзор, Гавҳар, гилам, лаган, Бегали, бодринг, сигир.



Гулнозанинг гули очилди. Гулнора гулларга сув қуйди. Гавҳар расм чизяпти.

Саволлар.

1. Қайси ҳайвон номида «Г» товуши бор?
2. Қайси қизнинг исмида «Г» товуши бор?
3. Қайси меванинг номида «Г» товуши бор?
4. Қайси боланинг номида «Г» товуши бор?

ҚОҚИГУЛ.

Ш. Саъдулла

Кимнингки бор чорбоғи,
Ўсиб ётар гулқоқи.
Барглари кунгурадор,
Сап-сариқ гуллари бор.


Терамиз аста-аста,
Сариғ гуллардан даста.
Термасак ҳазон бўлар,
Дебсалиб тўзон бўлар.

«Г» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

Г ____ К ГА ____ КА ГАКА АГА ____ АКА
 Г ____ К ГО ____ КО ГОКО АГО ____ АКО
 Г ____ К ГУ ____ КУ ГУКУ АГУ ____ АКУ

Гиёҳ, мактаб тегирмон, Гулсора, Кибриё, тугун.



Ҳиди ёқади, ариси чақади.

— Гул роса очилганда унинг қоқ ўртасида нимаси бўлади?— деб сўради Бегали ота жажжи набираси Гулнорадан.

— Гулнинг қоқ ўртасида чақадиган ариси бўлади, эҳтиёт бўлиб ҳидлаш керак,— деди Гулнора.

Топишмоқлар.

Тўрлар ёйиб кутади, пашша, чивин тутади. (*Ўргимчак.*)

Едирсанг қизаради, кулади. Суғорсанг писиллайди, ўлади.

(*Гулхан.*)

Мақол.

Рост гап айтган енгилмас. Уйнинг тор бўлса ҳам кўнглинг кенг бўлсин.

Тез айтиш.

Гулноранинг гуллари чиройлими, Гулнозанинг гуллари чиройлими?

Ўқитувчим.

О. Шарафиддинов

Алифбени ўргатган.

Тўғри йўлни кўрсатган.

Илм-фанга дилимда

Кучли ҳавас қўзғотган —

Меҳрибон ўқитувчим.

Билим кони мактабда

Улғайтириб бир сафда.

Қилмоқдасиз насиҳат

Ота каби ҳар гапда

Меҳрибон ўқитувчим!

«Ф» товушининг тўғри талаффузи.

«Ф» товушини талаффуз қилганда:

а) пастки лаб юқори тиш қирраларига яқинлашгач, ўртасида тор бўшлиқ пайдо бўлади. Шу тор бўшлиқдан ҳаво ўтади, бу вақтда юқориги лаб енгил кўтарилган бўлади; б) юқоридаги

тиш қирралари эса пастки лаб билан беркитилган бўлади;
в) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўлларини ёпиб туради; г) товуш пайлари очиқ бўлиб, товуш жарангламайди.

«Ф» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

ФА _____ ФА _____ ФАФАФА ФА _____ АФ
ФО _____ ФОФО _____ ФОФОФО ФО _____ ОФ
ФУ _____ ФУФУФУ _____ ФУФУФУ ФУ _____ УФ

Сўзларни тўғри ўқинг.

фил	Фаёз	оф-тоб	шафтоли
фасл	Фаёз	офтоб	шаф-то-ли
	Фа-ёз	офтоб	шафто-ли
			шафтоли

Фаттоҳ ва Жавлон дарс тайёрлади. Фаёз фақат аъло баҳога ўқийди. Дилфуза боғда шафтоли терди. Фарида Шарифжон билан суҳбатлашди.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Ф» товуши бор?
2. Қайси меванинг номида «Ф» товуши бор?
3. Қайси дарахтнинг номида «Ф» товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида «Ф» товуши бор?

ЧУМЧУҚ.


Қ. Носирова

Бир чумчуқ дон-дун излаб,	Бердим унга ушоқ нон,
Совуқда қопди музлаб.	Бу кун бўлди у меҳмон.
Олиб дарров кафтимга,	Десам, уйнинг эркаси,
«Куф-куфладим» шу зумда.	Учиб кетди эртаси.

«Ф» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Ф _____ В	ФА _____ ВА	АФА _____ АВА
Ф _____ В	ФО _____ ВО	АФО _____ АВО
Ф _____ В	ФУ _____ ВУ	АФУ _____ АВУ

Фасл, вазифа, водий, офтоб, овқат, фарзанд, вақт, Фотима.



Топишмоқ.

Бир неча кун ва ойлар, жони йўғу уй пойлар. (Қулф.)

Мақол.

Фарзанд — жонга пайванд.
Фикрсиз одамдан, тош яхши.

Филни фақат Фарҳод миндими, фил фақат Фарҳодни миндирдими?

Расмларга қараб гап тузинг.



БИНАФША.

3. Диёр

Бинафшахон, бинафша,
Кулишларинг чиройли.
Боғимизда очилиб,
Туришларинг чиройли.

Ҳамма чиқар далага,
Бинафшани тергали,
Мен ҳам тердим бир даста,
Опамизга бергали.

Фотиманинг бувиси Фарғонада яшайди. Фотима ва Фарида бувисиникига меҳмонга борди. Бувиси уларни боғда пишган шафтоли билан меҳмон қилди.

«В» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«В» товушини талаффуз қилганда:

а) пастки лаб юқориги тишлар қиррасига яқинлашган;
б) юқориги лаб енгил кўтарилади; в) юқори тиш қирралари кўриниб туради, пастки тиш қирраларини пастки лаб ёпиб туради; г) юмшоқ танглай бурун йўлларини ёпиб туради, ҳаво оқими оғиз орқали ўтади; д) товуш пайчалари тебраниб товуш ҳосил қилади.

«В» товушининг тўғри ва аниқ талаффузи

ВА	ВАВАВА	АВ	АВЛОД, АВВАЛ.
ВО	ВОВОВО	ОВ	ОВЧИ, ОВҚАТ.
ВУ	ВУВУВУ	УВ	БУВИ, СУВ.

Сўзларни тўғри ўқинг.

вақт

қовоқ

совуқ

ошқовоқ

қо-воқ

со-вуқ

ош-қо-воқ

қовоқ

совуқ

ош-қо-воқ

ошқовоқ

Вазира, варрак, ҳовуз, тарвуз, буви.

Расмга қараб гап тузинг.



қовун



ошқовоқ



Фарида яхши
навбатчи.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исми «В» товуши билан бошланади?
2. Қайси сабзавотнинг номида «В» товуши бор?
3. Қайси идишнинг номида «В» товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида «В» товуши бор?

ҚОЧИБ КЕТДИ

П. Мўмин

Бир ўқувчи чўчиб кетди,
Танаффусда қочиб кетди.
Ё қочдими тоби унинг.
Бирдан ранги ўчиб кетди.
Хаёллари ғув-ғув ари —
Ҳар томонга учиб кетди.

Папкасини, дўпписини
Ола тезда кўчиб кетди.
Бажармабди уй ишини,
Ўз сирини очиб кетди.
Ўқитувчи сўрайди деб,
Дарсдан ура қочиб кетди.

Қовун

Воситларнинг қовун полизи бор. Воситнинг отаси қовун келтирди. Уни сўйди. Бир косасини бувисига берди. Вазира бувисининг қовунини қирғичда қириб берди. Бувиси жуда хурсанд бўлди.

«В» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

В _____	Ф _____	ВА _____	ФА _____	АВА _____	АФА _____
В _____	Ф _____	ВО _____	ФО _____	АВО _____	АФО _____
В _____	Ф _____	ВУ _____	ФУ _____	АВУ _____	АФУ _____

Вазифа, Фарғона, сабзавот, шафтоли.

Совун, дафтар, офтоб, Маҳфуза.

Топишмоқлар.

Ўзи битта, кўзи мингта. (*Ғалвир.*)

Ўйиб олдим ўрни йўқ. (*Сув.*)

Мақоллар.

Булбул чаманни севар, одам Ватанни.

Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.

Тез айтиш.

Вали Василага варрак бердими,

Васила Валига варрак бердими?

ҚОВУНЛАР

Ананас қасир-қусур,

Пичоққа илинмайди.

Оқ уруғ-майиз, ҳолва,

Пучоғи билинмайди.

Қўкча, чўғир, газ бўйи,

Умрбоқи дегандек,

Лабни-лабга боғлайди.

Қилиб қантак егандек.

Бўрикалла, асати,

Қўк турнасин айтмайман.

Минг тил билан сўзлаб ҳам

Мақтовига етмайман.

Бизнинг Ватан.

Биз Ватанимизни севамиз. Ватанимизнинг денгиз ва тоғ, ўрмонлари, шаҳар ва қишлоқлари жуда гўзал. У ерда баланд бинолар, яшил боғлар кўпаймоқда. Меҳнатсевар халқимиз чўлларни бўстонга айлантирмоқда. Сувсиз ерларга сув чиқармоқда. Ватанимиз кундан-кунга яшнамоқда. Биз Ватанимиз билан фахрланамиз.



Расмдан фойдаланиб гап тузинг.

«С» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«С» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар кулги ҳолатда, тишлар кўриниб туради; б) тишлар бир-бирига яқинлашади-ю, аммо бирикмаган бўлади; в) тилнинг кенг қисми курак тишининг орқасида туради; г) тилнинг олдинги курак қисми юқориги тишлар билан тирқиш ҳосил қилади, тилнинг ён қирралари ён тишларга зич тиралган бўлиб, фақат ўрта қисмида ингичка тирқиш ҳосил қилади; д) тилнинг ўртасидан совуқ ҳаво оқими ўтади, буни ҳис этиш учун қўл кафтининг орқа қисмини оғиз олдида олиб бориш керак; е) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўллари ёпади ва ҳаво оғиз бўшлиғидан ўтади; ё) товуш пайчалари очиқ, товуш жарангламайди.

«С» товушининг тўғри ва аниқ талаффузи.

Бир нафасда ўқинг.

С _____ А	С _____ О	С _____ Е
С _____ А	С _____ У	С _____ И
СА	СА	САСАСА
СО	СОСО	СОСОСО
СУ	СУСУ	СУСУСУ
СА	АС	АС
СО	ОС	ОС
СУ	УС	УС

АС атлас
ОС гилос
УС уста

Сўзларни тўғри ўқинг.

соч	осмон	соат	супурги
сой	ос-мон	со-ат	су-пур-ги
	осмон	соат	супур-ги
			супурги

Салом, Саида, сабзи, Санжар, сочиқ, Собир, сув, сут, сумалак.

МАЙНА

О. Шарафиддинов

Майна сакради,
Майна сайради.
Катта ўрмонда
Куйлаб ўйнади.

Силовсин овга уясидан кечаси чиқади. Ўйртқич силовсин ўрмонда учраган зотни соғ қўймайди. У ҳеч нарсадан қўрқмайди. Овчи силовсинни тириклайин қўлга туширса севинади.

Саволлар.

1. Қайси мева номида «С» товуши бор?
2. Қайси қизнинг исмида «С» товуши бор?
3. Қайси сабзавотнинг номида «С» товуши бор?
4. Қайси боланинг исмида «С» товуши бор?
5. Қимнинг гули «С» товуши билан бошланиб номланади?

«С» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

С	З	СА	ЗА	АСА	АЗА
С	З	СО	ЗО	АСО	АЗО
С	З	СУ	ЗУ	АСУ	АЗУ
С	З	СИ	ЗИ	АЗИ	АЗИ

Сўзларни тўғри ўқинг.

Салима, Зоҳида, Сабохон, Зокиржон, товус, қоғоз, Мастура, қўзиқорин, Насиба.



Салима совға келтирди. Соат саккиз бўлди. Саодатнинг косаси бор.

ОҚ БОШ САЪВА.

М. Жўраев

Сайрасам бўлиб бийрон,	Ўзи доим вақти ҳуш,
Дўстлар бўлмангиз ҳайрон,	Мана юз қирмизи,
Сизни қўтлар рангдор қуш,	Оқ бош саъванинг ўзи!

Ма қ о л л а р.

Сув қатраси—дур қатраси.	Сабр тағи сари олтин.
Санамай саккиз дема.	Сўраб ўрганган олим,
	сўрамаган ўзига золим.

Топишмоқлар.

Ўзи ер остида, сочи ер устида (*Сабзи.*)
Қоғозим қора, қаламим оқ. (*Доска.*)

Тез айтиш.

Сададаги бир дона сайроқи бедана Соқиники, сададаги сайрамай ётгани Боқиники.

Қ. Носирова

Кириб келди Куз бобо
 Ҳассасин дўққилатиб.
 Ҳисоблари юз бобо
 Қувнаб, қаҳ-қаҳа отиб.
 Икки юзи қип-қизил,
 Олтинранг соч-соқоли.
 Қўп экан Куз бобога
 Болаларнинг саволи.
 — Бобожон, айтинг,
 нега —
 Соқолингиз олтинранг?

— Бун билмоқ бўлсангиз,
 Далаларга бир қаранг.
 — Юзингиз қизиллиги
 Айтинг, бобо нимадан?
 — Шарбат, витаминга бой —
 Тотиб кўринг мевадан.
 Улашади Куз бобо
 Совғаларин барчага.
 Олиб қўйдим улардан
 Қорбобога, арчага.

Тиришқоқ Турсун.

Турсун яхши ўқийди. У тиришқоқлик билан дарс тайёрлайди. Турсун аълочи. Дарсдан сўнг дам олади, овқатланади. Она-сига ёрдамлашади. Сўнг дарс тайёрлашга ўтади. Аввал ҳисобдан масалани ўқийди. Яхши ўйлаб, тўғри бажаради. Кейин ёзувдан берилган вазифани бажаришга киришади.

«Ш» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Ш» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар айлана шаклида олдинга бироз чиққан; б) тишлар бир-бирига яқинлашади; в) тишнинг кенг учи қаттиқ танглайнинг олдинги қиррасига кўтарилган бўлиб, улар оралиғида тирқиш ҳосил бўлади; г) юмшоқ танглай кўтарилган ва бурун йўллари эпиб қўяди; д) товуш боғламлари очиқ товуш, жангламайди.

«Ш» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

Ш _____	Ш _____ У
Ш _____ О	Ш _____ Е
Ш _____ А	Ш _____ И

ША	ШАШАША	АШ	АШ	АШ	ПАШША
ША	ШОШОШО	ОШ	ОШ	ОШ	ТОШ
ША	ШУШУШУ	УШ	УШ	УШ	ҚУШ
ША	ШИШИШИ	ИШ	ИШ	ИШ	ҚИШ

Сўзларни ўқинг.

шам	шаҳар	қошиқ	Шарифжон
ош	ша-ҳар	қо-шиқ	Ша-риф-жон
бош	шаҳар	кошиқ	Шариф-жон
			Шарифжон

Шакар, шудгор, Шоҳида, Шухрат, ошхона, бешик, эшик, ишчи.



Шокир билан Шоира шолғом тортишди. Машҳура машинада кетяпти.

Саволлар.

1. Қайси ҳашаротларнинг номида «Ш» товуши бор?
2. Қайси идишнинг номида «Ш» товуши бор?
3. Қайси сабзавотларнинг номида «Ш» товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида «Ш» товуши бор?
5. Қайси кийимнинг номида «Ш» товуши бор?

қиш.

Илёс Муслим

Ўтиб кетди куз чоғи,
Етиб келди қиш яна.
Кенг музлик қучоғида
Болалар тортар чана.


Чопқиллашиб ўтишар
Ўғил-қизлар қувнашиб.
Коньки отиб учишар,
Бир-бирларин қувлашиб.

«Ш» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг.

Ш _____	С _____	ША _____	СА _____	АША _____	АСА _____
Ш _____	С _____	ШО _____	СО _____	АШО _____	АСО _____
Ш _____	С _____	ШУ _____	СУ _____	АШУ _____	АСУ _____
Ш _____	С _____	ШИ _____	СИ _____	АШИ _____	АСИ _____

Шолғом, мушук, асал, махси, қош.



Қуёш.

Қишда қуёш қизариб чиқади. Қор қуёш нурида ялтирайди. Қиш кунлари қуёш пастлаб тез ботади. Биз қуёшни кузатишни севамиз. Табиат календарига белгилаймиз.

Топишмоқлар.

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар. (*Шамол.*)

Тилла сандиқ очилди, ичидан зар сочилди. (*Қуёш.*)

Мақоллар.

Ишлининг иши битар, ишсизнинг куни ўтар.

Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама.

Тез айтиш.

Шоқосим шотутнинг шохини Шокирдан олди.

Шаҳарлик Шокарим шакаримни шошиб еб кетди.

Қўшиқ айтсам.

Қ. Носирова

Қўшиқ айтсам онам ҳақида,
Қўқда қуёш кулади.

Шамоллар ҳам сочимни
силаб,

Майингина елади.

Қўшиқ айтсам онам ҳақида,

Қарсак чалар япроқлар,

Қушлар қўниб деразамга

Чуғурлашар, ўйноқлар.

Қўшиқ айтсам она ҳақида,
Яйраб-яйраб жўшаман.

Меҳрибоним қувончига,

Яна қувонч қўшаман.

Қўшиқ айтсам онам ҳақида,

Узоқларга таралар.

Бахтли болалигимни

Куйлайман шўх, баралла!

«З» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«З» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар кулги ҳолатда, тишлар кўриниб туради, бир-бирига яқинлашган, аммо бирикмайди; б) тилнинг кенг учи пастки курак тишларининг орқасида туради; в) тилнинг олдинги курак қисми ёки милк билан тирқиш ҳосил қилади. Тил курагининг ён қирралари ён тишларга зич тиралган бўлиб, фақат тилнинг ўрта қисмида ингичка тирқиш бўлади; г) тилнинг ўртасидан совуқ ҳаво оқими ўтади (буни ҳис этиш учун қўл кафтининг орқа томонини оғизнинг олдида олиб бориш керак); д) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўллари ёпади, бунинг натижасида ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади; е) товуш пайчалари тебраниб жарангли товуш ҳосил қилади.

«З» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

З _____ А

З _____ У

З _____ А

З _____ Е

—

З _____ О

З _____ И

ЗА —

ЗАЗАЗА

АЗ — АЗ — АЗ

ПАЗАНДА

ЗО —

ЗОЗОЗО

ОЗ — ОЗ — ОЗ

ҚОҒОЗ

ЗУ —

ЗУЗУЗУ

УЗ — УЗ — УЗ

УЗУМ

Сўзларни тўғри ўқинг.

зар	тоза	бозор	Озода
соз	то-за	бо-зор	О-зо-да
оз	тоза	бозор	Озо-да
			Озода

Озод, кўз, Зиёда, Беҳзод, узук, ҳовуз, занжир, қозиқ.

Ҳапларни тўғри ўқинг.

Зумрад бозордан қизил олма сотиб олди. Боғда ширин-шаркар узумлар пишибди. Зокир, Шерзод ва Озода узум уздилар.

Саволлар.

1. Қайси меванинг номида «З» товуши бор?
2. Қайси идишнинг номида «З» товуши бор?
3. Қайси қизнинг исмида «З» товуши бор?
4. Қайси фаслнинг номида «З» товуши бор?
5. Қайси боланинг исмида «З» товуши бор?

БУ БИЗ БЎЛАМИЗ!

Ўткир Рашид

Сўрасангиз:— Сиз кимсиз?
Деймиз:— Бахтли ўғил-қиз!
Биз бироз шўх бўлсак ҳам,
Яхши, аёло ўқиймиз,
Қатталарнинг сўзини
Яхши англаб ўқиймиз.

Кўп нарсалар ўрганиб,
Унга тақлид қиламиз.
Ўзи билмас деманглар —
Ўзимиз ҳам биламиз.
Қатталардек ҳар ишни
Бош қотириб ўйлаймиз.
Ҳапта ҳам биз чечанмиз
Топиб-топиб сўзлаймиз.



Сўрасангиз:— Сиз кимсиз?
Деймиз:— Бахтли ўғил-қиз!

«З» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

З ____ Ж ____ ЗА ____ ЖА ____ АЗА ____ АЖА ____
З ____ Ж ____ ЗО ____ ЖО ____ АЗО ____ АЖО ____
З ____ Ж ____ ЗУ ____ ЖУ ____ АЗУ ____ АЖУ ____

Узум, жўжа, қозон, сабзи, Зокир, Жамила, Азамат, саккиз.



Мақоллар.

Илмли ўзар, илмсиз тўзар.
Оз сўзла, соз сўзла.
Ўзи юзсиз, сўзи тузсиз.

Топишмоқлар.

Ўзи битта, қулоғи тўртта. (Қозон.)
Бир онадан юз бола, юзови ҳам бўз бола. (Ўзум.)

Тез айтиш.

Ўзук кўзи тузукми.
Ўзук кўзи бузукми.

Фаёзнинг кўп пиёзи пўк пиёз,
Ниёзнинг кўп оқ пиёзи тўқ пиёз.



Расмга қараб гап тузинг.

ҒОЗЛАР.

О. Умаров

Анҳорчада ғозлар,
Қанотин пардозлар.
Совуқ демай, қиш демай.
Ға-ғалаб ёз-ёзлар.
Оппоқ, майин патини,
Ағдариб қат-қатини,
Хўп кўмилиб, чўмилиб,
Ювиб, тараб созлар.

Қанотига гард юқмас,
Баданига дард юқмас.
Соғлом танда доимо,
Жаранглар овозлар.
«Ҳар кун тез-тез ювиниш,—
Дейишади зарур иш».
Чиллада ҳам уларга,
Писандмас аёзлар.

Вазира уй вазифасини тайёрлапти.



Мусобақа ғолиби.

Югуриш бўйича мусобақа бўлди. Юлдуз билан Жаннатхон югурди. Юлдуз жуда тез югурди. Жаннатхон унга ета олмади. Мусобақада Юлдуз ғолиб чиқди. Ўртоқлари уни табриклашди.

«Ж» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Ж» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар айлана шаклида бироз олдинга чиққан; б) тишлар бир-бирига яқинлашган; в) тилнинг кенг учи қаттиқ танглайнинг олдинги қиррасига кўтарилган бўлиб, улар ўртасида тирқиш ҳосил бўлади; г) тилнинг ўртасидан илиқ ҳаво ўтади, буни сезиш учун қўл кафтининг орқа томонини оғиз олдига олиб келиш керак; д) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўллари ёпиб қўяди, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади; е) товуш пайчалари боғланган бўлиб, тебраниб жарангли товуш ҳосил қилади.

ЖА _____

ЖАЖАЖА

ЖАМИЛА

ЖО _____

ЖОЖОЖО

ЖОБИР

ЖУ _____

ЖУЖУЖУ

ЖУМА

Сўзларни тўғри ўқинг.

Жавлон, жавоб, Жалол, жигар, жийда, жўжа, панжа, Жўрабек.

жой
жун

Жалол
Жа-лол
Жалол

жийда
жий-да
жийда

жўхори
жў-хо-ри
жўхо-ри
жўхори



Санжар китоб ўқияпти. Жамила жийда теряпти. Жавлон туяга минди.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Ж» товуши бор?
2. Қайси парранданинг номида «Ж» товуши бор?
3. Қайси меванинг номида «Ж» товуши бор?
4. Қайси қизнинг исмида «Ж» товуши бор?

ТОПАҒОН.



Қ. Носирова

- | | |
|---------------------------|-------------------------|
| — Кўзойнагим қайда? | — Тушиб кетди-я игнам, |
| — Мана, бувижон, мана. | — Топдим, мана бувижон. |
| — Ҳассам-чи, қайси жойда? | — Топағон набирамдан |
| — Мана, бувижон, мана. | — Ўзим бўлай гиргиттон. |

«Ж» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Ж _____ З	ЖА _____ ЗА	Жамила	Замира
Ж _____ З	ЖО _____ ЗО	Жобир	Зокир
Ж _____ З	ЖУ _____ ЗУ	Журъат	Зумрад



Жўяк, зина, Санжар, қирғиз, жайрон.



Расмга қараб гап тузинг.

БАҲОР КЕЛДИ

Ш. Саъдулла

Келди баҳор, гул, баҳор,
Эриб битди оппоқ қор.
Учиб келди қушларжон,
Дарахтлар тақди маржон.
Сувлар оқар шилдираб.
Юлдуз боқар милдираб.
Чумолилар яйрашар,
Шўх булбуллар сайрашар.

Қуёш нурларин сочди,
Атиргул ғунча очди.
Боғда қизил лолалар,
Териб олинг болалар.
Тоғ бағрида қўзилар,
Маъраб ўтга чўзилар,
Толбаргак тақиб қизлар,
Чучмомаларни излар.

Энди илк соф наҳор,
Чунки бизда гулбаҳор.
Юринг, чиқайлик! Боғлар
Бизни кутар, ўртоқлар.

Топишмоқлар.

Йўрғакланган маликам, тилла сочи бир тутам.

(Маккажўхори.)

Бир қоп ун, ичида устун. *(Жийда.)*

Ма қоллар.

Жон койитмай, иш битмас.
Жанжалли жойда барака бўлмас.

Тез айтиш

Жажжи жиблажибон жажжи жўжа билан жўра,
Жажжи жўжа жажжи жиблажибон билан жўра.
Жамила жамлаган жами жийдадан,
Мавжуда жамлаган жами жийда жуда кўп.

Жазо.

Жобир дарахт шохида қушнинг уясини кўриб қолди. Уяда қуш болалари чуғурлашиб ётарди. Жобир қуш болаларини ол-

моқчи бўлди. Дарахт тепасига чиқди. Эндигина уяга қўл узатган эди, дарахт шохи синиб кетди. Жобир йиқилиб ерга тушди. Унинг оёғи қаттиқ оғриди.

«Ч» ТОВУШИНИНГ ТУҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Ч» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар айлана шаклида бир оз олдинга чиққан; б) тил учи, тил кураги юқори тишлар билан бирикади, бу бирикув секин-аста улар ўртасидаги тирқишга айланадн. в) тил ўртасидан қисқа ҳаво оқими ўтади, уни ҳис этиш учун қўл кафтини оғизга олиб келиш керак; г) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўлларини ёпиб қўяди, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади. Товуш пайчалари очиқ, товуш жарангламайди.

«Ч» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

ЧА ____	ЧАЧАЧА	АЧ ____	АЧ ____	АЧ ____	АЧЧИҚ
ЧО ____	ЧОЧОЧО	ОЧ ____	ОЧ ____	ОЧ ____	ҚАЛДИРҒОЧ
ЧИ ____	ЧИЧИЧИ	ИЧ ____	ИЧ ____	ИЧ ____	САҚИЧ

Сўзларни тўғри ўқинг.

соч	чойнак	челак	чигиртка
	чой-нак	че-лак	чи-гирт-ка
	чойнак	челак	чигирт-ка
			чигиртка



Сочиқ, сичқон, чаён, чизғич, чақмоқ, чумчуқ, эчки, учувчи.

ҚАЛДИРҒОЧ

Ш. Сағдулла

Менинг отим — қалдирғоч, Дўст эмассан мен билан
Эшигингни тезроқ оч. Гаплашмайман сен билан.
Эшигингни очмасанг, Ашулалар айтмайман,
Дон-дунингни Учиб кетсам, қайтмайман.
сочмасанг,

Чарос, Чаман ва Йўлчи майдончада ўйнади.

Бурчакли уй ёмон.

— Катта бўлганимда қурувчи бўламан-да, уй хоналарини бурчаксиз, думалоқ қилиб қураман,— деди бобосига Чорибой.

— Нега?

— Бурчакда турмаслик учун.

Саволлар.

1. Қайси қизнинг исмида «Ч» товуши бор?
2. Қайси йишнинг номида «Ч» товуши бор?
3. Қайси меванинг номида «Ч» товуши бор?
4. Қайси ўғил боланинг исмида «Ч» товуши бор?

ЛОЛА

Ҳ. Олимжон

Лола боғчага чиқиб,	Елкаларига ташлаб
кечга қадар гул терди.	гулга кўмилди буткул.
Этак-этак тўплади,	Сўнгра уйга келди-ю,
ҳар кунпидан мўл терди.	бирпас ётиб дам олди,
Сочига гул боғлади,	Киприги юмилди-ю,
чеккасига тақди гул.	гул каби ухлаб қолди.

«Ч» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Ч	Ш	ЧА	ША	АЧА	АША
Ч	Ш	ЧО	ШО	АЧО	АШО
Ч	Ш	ЧУ	ШУ	АЧУ	АШУ

А — Ч — У

О

А — Ш — У

О

Чана, шар, шаҳар, арча, шолғом, токча, ўқувчи.

Гапларни тўғри ўқинг.

Қўнғироқ чалиниб, ўқитувчи синфга кирди. Чароснинг амал-киси учувчи. Боғдаги олчалар пишди.

Мақоллар.

Чақирса ишдан қочма, рухсатсиз эшик очма.
Ёлғончига ишонч йўқ.

Топишмоқлар.

Гўё отарчи машшоқ, текин ғажийди бошоқ. (*Чигиртка*.)
Қушим «чирқ-чирқ» этади, гилос чўқиб кетади. (*Чумчуқ*).

Тез айтиш.

Чори ака чойхонада чарчаб чой ичиб ўтирибди.
Чарос чаманда чирмандани чиройли чалди.

ЧАНАЖОН

А. Абдураззоқ

Чана, чана, чанажон,
Тўхтамай уч, жонажон.
Мана сенга тепалик,
Физ-ғиз учиб кетайлик.
Ҳамиша ўз чанажон,
Кемадай суз, чанажон
Чана, чана, чанажон,
Тўхтамай уч, жонажон.

Йўлда ўзиб кетаман,
Чўғдай қизиб кетаман.
Ўзар бўлсам дўстлардан,
Қувонч кетмас кўзлардан.
Ҳозир чана учаман.
Қулаб яна учаман.
Кейин кўкка учаман,
Қўрқмай тикка учаман.

Гапларни тўғри ўқинг.

Йўлчи билан Чаман далада айланди. Улар анча чучмома тердилар. Осмонда булут кўринди. Чақмоқ чақди. Сел қуйди.

«Ц» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Ц» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар кулган ҳолатда, тишлар кўриниб туради; б) тишлар бир-бирига яқинлашади-ю, аммо бирикмайди; в) тилнинг кенг учи пастга тушади; г) тил курагининг олдинги қисми юқориги тишлар билан бирикади, лекин улар орасида сезиларсиз тирқиш бўлади; д) тилнинг ўртасидан қисқа ҳаво оқими ўтади, буни сезиш учун қўл кафтининг орқа томони оғиз олдига олиб келинади, бундай қилганда, ҳавонинг силкиниб чиқишини сезиш мумкин; е) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўлларини ёпиб қўяди, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади; ж) товуш пайчалари очиқ, товуш жарангламайди.

«Ц» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

Т _____ Т _____ Т _____ С _____ С _____ С _____ ТС _____
ТС _____ ТС _____ ТС _____ Ц _____ Ц _____ Ц _____ ТС _____ Ц _____

ALL

ALL

АЦ

110

ЦОЦОЦО

ОЦ

ОЦ

ОЦ

ЦУ _____

ЦУЦУЦУ

УЦ

yl

yII



Айиқлар циркда томоша кўрсатишмоқда. Онам ип-йигирув
цехида ишлайди. Онам илғор ишчи. У ҳаммадан кўп ип йиғи-
ради.

«Ц» товушли сўзларни топинг ва тўғри талаффуз қилинг.

«Ц» товүшининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Ц ____ Ч ____ ЦА ____ ЧА ____ АЦ ____ АЧ ____ АЦЦА ____ АЧЧА ____

IIA II0 40 0Ц 0Ч 0ЦЦ0 0ЧЧ0

ЦА ЦУ ЧУ УЦ УЧ УЦУ ОЧЧУ

Ишчи, кичик, очик, сочиқ, уч, концерт.

МИЛИЦИОНЕР.

О. Шарафиддинов

Кўркам форма устимда,
Сергакдирман постимда.
Хуштак чалиб: «Чурр» дейман,
Йўлни топиб юр, дейман,
Чурр, чурр дейман.

Кесиб ұтма ҳар жойдан,
Ўтгин чизиқ бор жойдан.
Тартиб бузсанг «Чурр» дейман
Қоидали юр, дейман.
Чурр, чурр, чурр.

Мана чорраҳа,
керак кутишим.

Ёнса кўк чироқ,
мумкин ўтишим.

Циркда

Шаҳарда катта цирк бор. Циркда қизиқ томошалар бўлади. Маймун ва кучуклар рақсга тушади. Айиқ полвон ўйинга тушса ҳамма кулади. Фил хартуми билан оғир юкларни кўтаради. Томошабинлар буларни кўриб завқланадилар.

«М» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«М» товушини талаффуз қилганда:


а) лаблар кучсиз бирлашади; б) тиш қирралари орасидаги масофа ва тил ҳолати «м» товушидан кейин келадиган унли товушларга боғлиқ бўлади; в) юмшоқ танглай пастга тушган бўлиб, бунинг натижасида ҳаво бурундан ўтади; г) товуш пайчалари бирикиб, тебраниб, жарангли товуш ҳосил бўлади.

М _____	М _____	М _____	ММА _____	МА _____
МА _____	МАМАМА	МАКТАБ		
МО _____	МОМОМО	МОШ		
МУ _____	МУМУМУ	МУШУК		

Сўзларни тўғри ўқинг.

мой	маймун	мева	Салима
том	май-на	ме-ва	Са-ли-ма
	майна	мева	Сали-ма

Мамлакат, мактаб, қалам, Самарқанд, карам, узум, мушук.





Саволлар

1. Қайси ҳайвоннинг номида «М» товуши бор?
2. Қайси қизнинг исида «М» товуши бор?
3. Қайси меванинг номида «М» товуши бор?
4. Қайси боланинг исида «М» товуши бор?

ХОЛАМНИКИДА ЭДИМ

Қутби Носирова

— Кеча икков тушимда

Чиқибмиз баланд тоққа.

— Уртоқжон, гоҳо ёлғон

Гапирганинг чатоқ-да.

— Нега ёлғончи дейсан,

Мен сенга нима дедим?

— Ахир, кеча меҳмонда —

Холамникида эдим...

«М» товушининг талаффуздаги фарқланиши.


Бир нафасда ўқинг.

М _____ Н _____ МА _____ НА АМА _____ АНА

М _____ Н _____ МО _____ НО АМО _____ АНО

М _____ Н _____ МУ _____ НУ АМУ _____ АНУ

Омон, Маъмура, сурнай, нок, Наманган, рўмол, она.



Мақоллар.

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

Умид қилган етар муродга.

Меҳмон иззатда, мезбон хизматда.

Бошига урсак болға, дарҳол чопади олға. (Мих.)
Аёз бобо новвот сотди, олган эдим қўлим қотди. (Муз.)

Тез айтиш.

Малик Маликани меҳмон қилдими, Малика Маликни меҳмон қилдими?

КҮЧАТ

О. Шарафиддинов

Дадам ўтқазган кўчат
Роса олма қилади.
Мевасин кўтаролмай
Гавдаси букилади.

Бутоғи синмасин деб,
Дадам қўйганда тиргак,
Мен-чи, қараб турмасдан,
Дадамга бердим кўмак.

Синфимизда йигирма олти ўқувчи бор. Шулардан йигирма уч нафари яхши ва аъло баҳоларга ўқийди. Қолган учта ўқувчини ҳам аълочилар сафига қўшиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг аъло ўқишимизда муаллимамиз Мавжуда опамизнинг ёрдамлари катта. Улар доимо бизга ёрдам бериб келадилар. Биз Мавжуда опамиздан миннатдормиз.

«Н» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Н» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бир-биридан узоқлашган; б) олдинги тишлар кўриниб туради; в) «Н» товушини унли А, О, И товушлари билан қўшиб талаффуз этилганда, тилнинг олдинги курак қисми юқориги тишларга ёки милкка тегиб туради; г) «Н» товуши А, Е, Ё, Ю товушлари билан қўшиб талаффуз этилганда, тилнинг учи пастки курак тишларига тиралган бўлади; д) юмшоқ танглай пастга тушади, ўпкадан чиқаётган ҳаво бурун йўлларидадан ўтади; е) товуш пайчалари тебраниб жарангли товуш ҳосил қилади.

«Н» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

Н _____ А	НАНАНА	АН	АН	АН	Анжир
Н _____ О	НОНОНО	ОН	ОН	ОН	она
Н _____ У	НУНУНУ	УН	УН	УН	кун

Сўзларни тўғри ўқинг:

най	игна	анор	ниначи
нон	иг-на	а-нор	ни-на-чи
нок	игна	анор	нина-чи
			ниначи



Назира, Нигора, Нодира, қовун, ин, қуён, совун.

БАРМОҚЧА

М. Раззоқ.

Онасининг кафтига
Кафтин қўйиб Гуласал,
Бармоқларин ўлчарди
Эркаланиб ҳар сафар.

Кичкина-ку, бармоғинг
Деди бир кун онаси.
Ахир бармоғим,— дер, у—
Бармоғингиз боласи.

Саволлар:

1. Қайси меваларнинг номида «Н» товуши бор?
2. Қайси қизнинг исмида «Н» товуши бор?
3. Қайси боланинг исмида «Н» товуши бор?

«Н» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Н _____ Д _____ НА _____ ДА АНА _____ АДА
Н _____ Д _____ НО _____ ДО АНО _____ АДО
Н _____ Д _____ НУ _____ ДУ АНУ _____ АДУ

A
O
y

A
O
y

Нодира, Дилдора, ойна, дон, қозон, гулдон.

Расмга қараб гап тузинг.



Тонг

Тонг отди. Майин шамол эсди. Қушларнинг сайраши эшитилди. Қуёш заррин нурини сочди. Шаҳар кўчаларида ҳаракат бошланди.

Топишмоқлар.

У ёғи тоғ, бу ёғи тоғ, ўртаси сариёр. (Енғоқ.)

Ҳаммани кийинтириб, ўзи яланғоч ётади. (Игна.)

Мақоллар.

Бўлингanni бўри ер, айрилгanni айиқ.

Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас.

ВАТАНИМ

Ўткир Рашид

Чаман-чаман гулларга,
Сайроқи булбулларга.
Тошқин дарё, кўлларга
Бойсан гўзал Ватаним.

Кўкни қучган уйларга,
Бахт келтирган тўйларга,
Қувноқ ва шўх куйларга,
Бойдир гўзал Ватаним.

«Л» ТОВУШИНИНГ ТУҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Л» товушини талаффуз қилганда:


- а) лаблар енгил кулги ҳолатда, тишлар кўриниб туради;
б) тил учи юқори милк билан бирикади; в) тилнинг орқа қисми бироз кўтарилади; г) ҳаво оқими тилнинг ён томонларидан, тил оралигидан ва жағ ёнларидан ўтади; д) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўллариини ёпиб қўяди; е) товуш пайчалари боғланган, тебраниб товуш ҳосил қилади.

«Л» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

Л __ А ЛАЛАЛА АЛ __ АЛ __ АЛ __ АЛЛА
 Л __ О ЛОЛОЛО ОЛ __ ОЛ __ ОЛ __ ОЛМА
 Л __ У ЛУЛУЛУ УЛ __ УЛ __ УЛ __ УЛУФ

Сўзларни тўғри ўқинг.

лой	олча	салом	қулупнай
йўл	ол-ча	са-лом	қу-луп-най
лаб	олча	салом	қулуп-най
			қулупнай



Пилла
Олча

Гилос
Олмахон

Гул
Лола

Гапларни тўғри ўқинг.

Баҳор келди. Лолалар очилди. Болалар лола тердилар.

Саволлар.

1. Қайси боланинг номида «Л» товуши бор?
2. Қайси меванинг номида «Л» товуши бор?
3. Қайси сабзавотнинг номида «Л» товуши бор?
4. Қайси гулнинг номида «Л» товуши бор?
5. Қайси дарахтнинг номида «Л» товуши бор?

Х. Аминов

«Л» товушининг талаффуздаги фаркланиши.

Лайло, лаган, Нигора, атиргул, Нилуфар.

Топишмоқлар.

Булут қўли очилди,
Ерга бодрoқ сочилди.

(Дѣл.)

Тез айтиш

Абдулла арралайди, Мунаввар аллалайди.

Бирликсиз куч бўлмаё.
Одобли бола элга манзур.

Дўстлашув.

Тарғил билан Говмиш бирга яшар эдилар. Уларга овқат ва сув бир идишда бериларди. Улар қизғанчиқлик қилиб сузишар эди. Яқинда Қўнғир ҳам уларга қўшилди. У Тарғил ва Говмишга насиҳат қилди. Учовлари иноқ яшай бошладилар.

«Р» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Р» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бир-биридан узоқлашган; б) тишлар бир-бирига яқинлашган, аммо бирлашмаган; в) тил учи альвеолаларга кўтарилади ва титрайди; г) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўллари тўсиб қўяди, ҳаво оғиз бўшлиғи орқали ўтади; д) товуш пайчалари боғланган, тебраниб товуш ҳосил қилади.

«Р» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи.

Бир нафасда ўқинг:

Р _____ Р _____ Р _____ Р _____ РА
РА _____ РАРАРА АР _____ АР _____ АР _____ АРА АРРА
РО _____ РОРОРО ОР _____ ОР _____ ОР _____ ОРО ҚОР
РУ _____ РУРУРУ УР _____ УР _____ УР _____ УРУ ҚУРБАҚА

Сўзларни тўғри ўқинг.

ром	тароқ	ўроқ	дурадгор
расм	та-роқ	ў-роқ	ду-рад-гор
	тароқ	ўроқ	дурад-гор
			дурадгор



Ранда, Рисолат, қўғирчоқ, каптар, болалар, сарик, тўғри, Раъно, бургут, хайр, сайр, Қарим, тўрт.
Болалар сайрга чиқдилар. Раҳмон каптар учирди.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Р» товуши бор?
2. Қайси сабзавотнинг номида «Р» товуши бор?
3. Қайси қизнинг исмида «Р» товуши бор?
4. Қайси таомнинг номида «Р» товуши бор?
5. Қайси ўқув қуролининг номида «Р» товуши бор?

ТЎРҒАЙ.

Х. Шарипов


Тўрғай, тўрғай, ҳой тўрғай,
 Жим ўтирсанг не бўлғай?
 Тўрғай баланддан боқиб
 Дейди қанотин қоқиб.
 — Офтоб кўчиб юрибди.
 Айламасам мен парвоз.
 Вазминлашар ер бир оз
 Енгиллатиб ер юкин
 Учмоқдаман мен бугун!

«Р» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Р ____	Л ____	РА ____	ЛА ____	АРА ____	АЛА ____
Р ____	Л ____	РО ____	ЛО ____	АРО ____	АЛО ____
Р ____	Л ____	РУ ____	ЛУ ____	УРУ ____	УЛУ ____
Р ____	Л ____	РИ ____	ЛИ ____	ИРИ ____	ИЛИ ____

Пайпоқ, арча, арра, тол, қор.



Бўри.

Бўри — очкўз ҳайвон. У бир жойда турмайди. Овқат излаб юради. Ўлжа топса шерикларини чақиради. Кундузи яшириниб ётади. Кечаси овга чиқади. Ўзи кичик, аммо кўп овқат ейди.

Топишмоқлар.

Ости тери, усти тери, ичида тотли тарик. (*Анжир.*)

Тиши кўпу оғзи йўқ. (*Арра.*)

«Қур-қур» этар у ёзда, тўйиб ухлар аёзда. (*Қурбақа.*)

Мақоллар

Ҳунар — ҳунардан унар.

Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.

Меҳнат бахт келтирар.

Тез айтиш.

Рашид ромни рандада рандалади.



Расмга қараб гап тузинг.

ТАШҚАРИДА ҚОР, УЙИМИЗДА БАҲОР!

Пўлат Мўмин

Қўшним Али қиш фасли	Ҳар кун ўтсам кўчадан
Ўстирарди турли гул.	Ғачир-ғучир босиб қор,
Қўрганларнинг ҳаваси	Қўшним деразасидан
Келиб юрарди нуқул.	Қўринар чаман гулзор.
Уйда баҳор нафаси,	Ташқарида қаҳратон —
Баҳр оларди ҳар	Унинг уйида баҳор.

кўнгил.

Ташқарида оппоқ қор —
Унинг уйида баҳор... .

«Қ» ТОВУШИНИНГ ТУҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Қ» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бир оз очиқ; б) тишлар ораси ҳам бир оз очиқ;
в) унли товушлар билан талаффуз этилганда, тил учи пастга тушган бўлади; тил учи пастки курак тишларга бир оз етмай туради, тилнинг орқа кураги юмшоқ танглай билан бирикади,
г) юмшоқ танглай «Қ» товушига нисбатан янада кўтарилган ва томоқнинг орқа деворига тиралган бўлади, ҳаво оғиз бўшлиғидан чиқади.

ҚА _____	ҚАҚАҚА	ҚА _____	ҚА	қалампир
ҚО _____	ҚОҚОҚО	ҚО _____	ҚО	қор
ҚУ _____	ҚУҚУҚУ	ҚУ _____	ҚУ	қулоқ

Сўзларни туғри ўқинг.

қош	қизил	қовун	қурбақа
қиз	қи-зил	қо-вун	қур-ба-қа
	қизил	қовун	қурба-қа
			қурбақа

Қовун, қошиқ, қовоқ, товоқ, қозоқ, оёқ, қўл, Қаҳрамон, қалам.



қайчи



қўзиқорин

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Қ» товуши бор?
2. Қайси дарахтнинг номида «Қ» товуши бор?
3. Қайси сабзавотнинг номида «Қ» товуши бор?
4. Қайси парранданинг номида «Қ» товуш бор?

ЮР, УРТОҚЖОН

Обид Расул


Юртимизда
Хушманзара жойлар кўп.
Қишлоқлар кўп,
Далалар кўп, сойлар кўп.
Биз учундир
Марварид сув, соф ҳаво,
Қуёш бобо,
Тўкин боғ, хушбўй гиёҳ,
Юр, ўртоқжон!
Водийларга юр чаққон,
Ботир бўлар
Саёҳатда чиниққан.

«Қ» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Қ	К	ҚА	ҚА	АҚА	АКА	қарама	Карима
Қ	К	ҚО	КО	ОҚО	АКО	Қосим	Козим
Қ	К	ҚУ	КУ	АҚУ	АКУ	қулоқ	курак

Қалам, какку, Комил, қопқоқ, типратикон, чуғурчиқ, қўшиқ, қўй.



Гапларни тўғри ўқинг.

Қамбар қора қалам олди. Қодиржон қовун сўйди.
Боғда қизил, сариқ гуллар очилди. Болалар балиқ тутдилар.

Мақоллар.

Қолган ишга қор ёғар.
Деҳқон бўлсанг, шудгор қил.

Топишмоқлар.

Ҳасан-Ҳусан бирга ўсади, бир тан бўлиб буюм кесади.
(Қайчи.)

Ичи бўёқ, сирти таёқ. (Қалам.)
Боши бор-у, сочи йўқ, тез юришда тенги йўқ. (Балиқ.)
Беш хонага бир йўлак, қўлингга лойиқ кўйлак. (Қўлқоп.)

Тез айтиш.

Содиқ сап-сариқ қалам билан, сариқ қовун расмини солди.
Қодир қаҳратон қишда қирқма қовун қидирди.

Расмга қараб гап тузинг.





Қушлар куни.

Яқинда ёш табиатшунослар тўғарагида ўқувчиларнинг «Қушлар куни» байрами бўлиб ўтди. Улар қушларни муҳофаза қилиш, парваришlash ҳақида ўзаро суҳбатлашдилар. Кўргазма ташкил этдилар. Кўргазмага турли қушлар, қуш инлари ва қуш ошхоналари қўйилди. Қушлар байрами бизнинг мактаб ўқувчилари билан қушни мактаб ўқувчиларига омад олиб келди. Биз биринчи ўринни олдик.

ПАХТАЗОРДА.

Шарофжон Орифий

Тўлини ойнинг нурида
Жимирлайди тиниқ сув.
Эгатларга оқади,
Пахтазорга дармон у.
Пахтазорни суғорар
Сувчи ўспирин қувноқ.

Эгатларга сув оқар,
Шилдираб майин ўйноқ.
Ҳар бир тупи ҳисобсиз
Таққан кўсак — доналар.
Улар қийғос очилиб,
Безанади далалар.

«Ғ» ТОВУШИНИНГ ТУҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Ғ» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар овал ҳолатда бўлади; б) тишлар бир-бирига яқинлашган бўлади, аммо бирикмайди; в) «Ғ» товуши унли товушлар билан бирикиб, талаффуз этилганда, тил учи пастга тушгач,

орқа қисми юмшоқ танглай билан бирикади; кўпроқ юмшоқ танглай билан товуш пайчалари бирликда тебраниб товуш ҳосил бўлади.

F _____	F _____	F _____	FA _____	FA _____	FA _____
FA _____	FAFAFA	Ғани,	ғалла		
FO _____	FOFOFO	ғоз,	ғолиб		
FУ _____	FУFУFУ	Ғулом,	ғунча		

Сўзларни тўғри ўқинг.

ғишт	ғўра	боғбон	ғалаба
боғ	ғў-ра	боғ-бон	ға-ла-ба
тоғ	ғўра	боғбон	ғала-ба
			ғалаба

Ғапларни тўғри ўқинг.

Боғда боғбон кўчат экди. Ғиёс ғижжак чалди.
Эрта баҳорда қалдирғочлар учиб келди.

Саволлар.

1. Қайси боланинг исмида «Ғ» товуши бор?
2. Қайси қушнинг номида «Ғ» товуши бор?
3. Қайси мусиқа асбобининг номида «Ғ» товуши бор?
4. Қайси меванинг номида «Ғ» товуши бор?

ҚўНҒИРОҚҒУЛ.

Ш. Саъдулла

Қўнғироқгул, қўнғироқгул,	Бўйинг баланд, қўнғироқгул,
Бандингга айт, ғунча очсин!	Бағринг яшил, гулинг кўкиш.
Қўнғироқ чал, қақиллаб кул,	Шамол кулиб дейди нуқул:
Даламиздан алаф қочсин!	— Гул юзингдан бергил ўпич!

«Ғ» товушининг талаффуздаги фарқланиши

Бир нафасда ўқинг:

F _____	Қ _____	FA _____	ҚА _____	Ғани — қани
F _____	Қ _____	FO _____	ҚО _____	ғор қор
F _____	Қ _____	FУ _____	ҚУ _____	ғунча — қунча



Қарға, ғилдирак, қилич, ғалла, қошиқ, қўзичоқ, ғўза, болға.

Қ. Носирова

Том бошида ноғора —	Катта қозон — ҳовузда
Чалинар дангур-дунгур.	Қайнар — ўйнар чучвара...
Томларни савалаб ҳўб.	Ишонмасанг, ўртоқжон,
Ёмғир ёғмоқда, ёмғир.	Ташқарига бир қара!

Мақоллар.

Булбулга боғ яхши, какликка тоғ.
Қор ёғди — дон ёғди.
Қор — ернинг кўрпаси, ёмғир — ернинг шўрваси.

Топишмоқлар.

Оёғи йўқ — қочади, қаноти йўқ — учади. (Тутун.)
Қўшалок товоқ, ичи тўла ёғ. (Ёнғоқ.)

Тез айтиш.

Қутлуғ қуритган уруғ, Улуғ қуритган уруғдан қуруқроқ.
Тоғай тоғамнинг тоғ олдидаги тоғолчасидан тўрт тоғора тоғ-
олча тердим.

Ёмғир.

Осмонни булут қоплади. Баъзан тун бўйи ёмғир ёғади. Ём-
ғир тингач, осмондаги булутлар тарқалади. Қўёш чарақлаб кў-
ринади. Дарахтларда қушлар шохдан-шохга сакрайдилар. Кенг
кўчалар сув сепгандай бўлиб қолади. Ёмғирдан кўкатлар, да-
рахтлар баҳра олади.

«Х» ТОВУШИНИНГ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗИ.

«Х» товушини талаффуз қилганда:

а) лаблар бир оз очиқ, ҳаракатсиз туради: б) тишлар бир-
бирига яқинлашади, аммо бирлашмайди; в) «Х» товушини А, О,
У товушлари билан бириккан ҳолда талаффуз этилганда, тил-
нинг учи пастга тушган бўлиб, бир оз итарилган, тил кураги-
нинг орқа қисми юмшоқ танглай томон яқинлашган бўлиб, тор
бўшлиқ ҳосил бўлади ва бу бўшлиқ орқали ҳаво ўтади. «Х» то-
вуши Я, Ю, Е, Ё унли товушлар бирикмаси билан талаффуз
этилганда тил учи пастга тушган бўлиб, пастки курак тишлар
асосига тегиб туради ва бўшлиқ ҳосил бўлади. Бу бўшлиқ орқа-
ли ҳаво ўтади. г) юмшоқ танглай кўтарилган бўлиб, бурун йўл-
ларини ёпиб туради. д) товуш пайчалари очиқ, товуш жаранг-
ламайди.


«Х» товушининг аниқ ва тўғри талаффузи

ХА _____	ХАХАХА	АХ _____	АХ _____	АХ _____	ахборот
ХО _____	ХОХОХО	ОХ _____	ОХ _____	ОХ _____	Охунжон

ХУ ____ ХУХУХУ	УХ ____ УХ ____ УХ	ухла
ХИ ____ ХИХИХИ	ИХ ____ ИХ ____ ИХ	ихтиёр
ХЕ ____ ХЕХЕХЕ	ЕХ ____ ЕХ ____ ЕХ	беҳи

Сўзларни тўғри ўқинг.

хат	пахта	пойтахт	Хатира
хайр	пах-та	пой-тахт	Ха-ти-ра
	пахта	пойтахт	Хати-ра
			Хатира



Хўроз, олхўри, дарахт, тахта, Хадича.
Хайри ҳикояни ўқиди. Ҳалил шаҳарга борди.

Соғинчли салом хат.

Бувижон!

Ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Менинг ўқишларим яхши. Ҳамма фанлардан «беш» баҳо оляпман. Уртоқларим Мухтор, Хурсандлар ҳам яхши юришибди. Бувижон, саломатлигингиз қалай? Бизникига қачон келасиз? Сизга кўп салом билан набирангиз Хуршид.

Саволлар.

1. Қайси ҳайвоннинг номида «Х» товуши бор?
2. Қайси боланинг исмида «Х» товуши бор?
3. Қайси меванинг номида «Х» товуши бор?
4. Қайси гулнинг номида «Х» товуши бор?

УЙҒОНМАСАМ БУЛАРҚАН.

М. Бобоқулов

Уйқудан тура солиб, Хархаша қилди Ғани — Дадам келганди олиб, Ойи, машинам қани?	— Қачон олиб келганди, Даданг сенга машина? Мен ухлаб ётганимда, Турган эди бошимда.
---	---

— Вой тушинга У дер:— Миниб юрувдим,
 киргандир,— Уйғонмасам бўларкан.
Деб, ойиси куларкан.

«Х» товушининг талаффуздаги фарқланиши.

Бир нафасда ўқинг.

Х __ К __ ХА __ КА АХА __ АКА АХ __ АК
Х __ К __ ХО __ КО АХО __ АКО ОХ __ ОК
Х __ К __ ХУ __ КУ АХУ __ АКУ УХ __ УК

Карим, Холис, хумча, мактаб, Маҳсума, Сабохон.



Топишмоқлар

Боши тароқ, думи ўроқ. (Хўроз.)
Оёғи йўқ юради, оғзи йўқ гапиради.
Узоқдаги дўстингдан, хабар олиб келади. (Хат.)

Мақоллар

Яхшига яхши бўл, ёмонга — ёмон.
Ватани борнинг бахти бор, меҳнати борнинг — тахти.

Тез айтиш.

Холмат Хурсандга хат ёзди.

Расмга қараб гап тузинг.



И Л О В А

ҚУШИМЧА УҚИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.

ТУРНАЛАР.

Ш. Саъдулла

— Ҳой, турналар,
Турналар,
Қандай учиб келасиз?
Айтинг, дўстлар,
Жўралар,
Қайга учиб келасиз?!
Кўкда учган турналар
Шўх қичқирар «қурқираб»...
Баҳор атри ёйилар
Кўкдан ерга гуркираб,
— Биз турналар олисдан,
Узоқ элдан келамиз.
Булутларнинг устидан
Шамолдай тез еламиз.
Денгизлардан, тоғлардан,
Боғлардан,
Қўллардан,
Каналлардан,
Сойлардан,
Саройлардан,
Қишлоқлардан,
Эллардан
Ошиб, сизга учамиз.

Юртингизни қучамиз.
Денгиздаги наҳанглар,
Оқ айиқлар,
Дельфинлар,
Моржлару
Албатрослар,
Учқур бўрон қушлари,
Оқ елканли қайиқлар,
Ўрмонларда айиқлар,
Боғда кезган бузоқлар,
Шўх такалар — сузоқлар,
Қўллардаги ўрдаклар,
Баҳор қизи — куртаклар,
Қора кўзли жужуқлар,
Дўнг пешана пучуқлар
Сизга йўллашди салом!
Биздан сизга ассалом!
— Турналар,
— Ҳой, турналар,
Хуш келибсиз, марҳабо!
Меҳмон бўлинг, жўралар,
Баҳору ёз — доимо.

Тез айтишлар

Камола камалак каби кўҳлик капалак кўрди.
Қундуз кундузи қора қўнғиз қўнса кўрмади.
Боқининг қовунқоқиси опоқисига ёқди.

БЎТАКЎЗ.

Ш. Саъдулла

Қор кетар даладан,
Кўзингни оч, бўтакўз,
Уйғониб тонг палладан,
Япроғингни кўкка чўз.
Живир-живир гуллар оч,
Болаларни шод айла.
Далаларга файзинг соч.

Дўстларингни ёд айла.
Униб чиқди бўтакўз,
Хўп чиройли кўзлари.
Яшнаб кетди дала — бўз,
Яшнаттирган ўзлари.
Бизнинг қўшиқ, бизнинг сўз:
Яшна, кўк кўз бўтакўз!

ЧУЧМОМА.

Ш. Саъдулла

Хипча белли эй, кўкат,
Қайси боғнинг гулисан?
Очиғини бизга айт,
Қай фасл сунбулисан?
Булбул келиб қошингда
Сайрагани-сайраган,
Боларилар бошингда
Яйрагани-яйраган.

Гулга суқланиб кўнгил
Жавоб кутар тикилиб...
Нимкўк ғунча — нозик гул
Шундай дейди эгилиб:
— Мен ўтлоқнинг қизиман,
Онам баҳор — гулмома.
Мен баҳор юлдузиман,
Мен чучмома, чучмома!

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ.

Ш. Саъдулла

Қизил дурра бошларда яшнаб,
Сайр қилишар минг-минг қизалоқ.
Яқин бориб турсам кўз ташлаб,
Имлар мени лолақизғалдоқ.
Поясида ғунчалари кўп,
Баҳор қизи гул очар тинмай,
Қора қошли лолалардан тўп
Даста тердим қирдан эринмай.
Баҳор қизи — лолақизғалдоқ,
Қулоғимга бўлсанг-чи балдоқ!

ТОПИШМОҚЛАР.

Баъзан ўроқ, баъзан шар,
Осмонда порлаб учар.

Ёғар соққа шиша «тош»
Бироқ, ҳеч ёрмайди бош.

Сувга тушса мўл, пуфак
Ўё қайнар сумалак.

Кесолмайди пахтани,
Силлиқлайди тахтани,

Устара каби илдам,
Устага доим ҳамдам.

Усти қизил, ичи оқ,
Ичида бор бир таёқ.

Текис бўлсин деб девор
Хизматга турар тайёр.

ОЧКУЗ ИТ

Бир ит суяк топиб олди. У топган суягини тишлаб кетаётган эди, йўлда бир ариққа дуч келди. Ит ариқдан сакраб ўтмоқчи бўлди. У ариқ лабида тўхтаб, сувда ўз аксини кўриб қолди. Бу бошқа бир ит деб ўйлади. Ит дарров ўзини сувга ташлади. Лекин сувдан ҳеч нарсa топмади. У ўз суягидан ҳам ажралди.

ТАБРИК.

Қ. Носирова

Саккизинчи март тонги,
Ҳеч ким уйғотмай, ўзим —
Ўрнимдан турдим хурсанд,
Ювиб келдим қўл-юзим.

Уйқуда Вали, Дилбар,
Бузмасдан улар тинчин —
Онажонимни ўзим
Табриклайдим биринчи!

ҲОЗИРЖАВОБ.

Қ. Носирова

Кичкинтойи қўлида,
Қаттасини етаклаб,
Она ишга шошарди,
Ҳар кунгидай эрталаб.—
— Кеч қоляпмиз боғчага,

Каттароқ ташла қадам.
— Чарчаб қолдим,— дер бола,
Гаплари бурро, ўктам,—
Қўтариб олинг, ойи,
Укамдайин мени ҳам.

ОФТОБ, ГУЛ ВА НАФИСА.

Қ. Носирова

Кулиб юборди офтоб,
Уйғонди Нафиса ҳам.
Нурлар билан қувлашиб,
Чопиб кетди у шу дам.
Майсаларни силкитди,
Шудринг тўкилди маржон,
Олам-олам завқ олиб,
Қиз кулар яна шодон.

Шарқираган ариқдан
Челақда сув олди.
Деди: «Эккан гулларим —
Чанқади, кутиб қолди».
Қўшиқ айтар Нафиса,
Сув қуяр гулларига,
Гуллар салом бергандай
Эгилар йўлларига.

ҲИССАНГ ҚУШ!

Э. Раҳимов

Бир ниҳолдан экса ҳар ким,
Олам ўрмон бўлади.
Бир ниҳолдан кесса ҳар ким,
Ўрмон қурбон бўлади.
Ҳаёт йўқдир дарахтларсиз,
Боғ қилмоққа ҳиссанг қуш.
Боғ қуритган бўлар бахтсиз,
Боғ яратиб ургин жуш...

ЧИТТИГУЛ.

Ғафур Ғулом

Тошхон қиз ўзи-ўзи
Бошида йўрмадўзи.
Йўрмадўзи ярашган,
Ойисига қарашган,

Х а й ю, ч и т т и г у л.
Тошхон қизнинг боши бор,
Манглайда қуёши бор,
Бу йил биринчи синф,

Чунки етти ёши бор,
Хайю, читтигул.
Ўзи аёло ўқиса,
Бундан яхши қиз борми,

Чевар бўлса, тўқиса,
Бундан яхши қиз борми,
Хайю, читтигул,
Хайю, читтигул.

КИМ ОНАСИН ЖУДА ЯХШИ КЎРАДИ?

Қ. Муҳаммадий

Боғча опам болалардан сўради:
Ким онасин жуда яхши кўради?
Ман, ман, ман дейишди ҳамма бола,
Яна тагин гапирмоқчи эди Лола,
Опам яна дедилар, нима билан?
Болалар жавоб берди навбат билан:
Раъно деди: иккала кўзим билан,
Аёло деди: кўзиммас ўзим билан.
Лола деди: кийим-бошим кир қилмайман,
Тўлқин деди: опичинг деб йиғламайман.
Гулсара дер: укамни овутаман,
Гулчеҳра дер: ўз вақтида ётаман.
Ким шулардан ойисин севган бола?
Кийимини кир қилмаган гўзал Лола.
Опичинг деб йиғламаган Тўлқин ўғил,
Укасини овутган Гулсара гул.
Ойисини жуда яхши кўрар экан,
Сўзда эмас, ишда яхши кўрар экан.

БОБОМНИНГ СОАТЛАРИ.

Т. Йўлдош

Бобомнинг соатлари
Умрида ҳеч тинмайди.
Ойнасичи, елимдан —
Ерга тушса синмайди.
— Ўзимдан ҳам соатим
Қари,— дерлар мункиллаб.

Қолиб кетар жонивор,
Буралмай уч-тўрт кунлаб.
Тўғри соат-да болам
Эгри узоқ яшамас.
— Ёши ҳам бордир?— десак,
Дерлар мендан ёш эмас.

ЭРКАВОЙ.

Т. Йўлдош

Эркавойни эркалашар,
Эркалиги баттар ошар.
Сағал гапга бақиради,
«Ойи, дада!» чақиради.

«Хай-хай»лашиб келар улар,
Қўрган борки бунга кулар:
— Шундай бола,— дерлар —
эссиз!
Эркавой-да, нима дейсиз.

МЕҲРИБОН.

О. Хожиева

Бувисининг ўз қизи,
Ширин-шакар сўз қизи,
Гулнораой — гул-гул қиз.
Хўп сайроқи булбул қиз.
Бувисига эрталаб
Чой тутади эркалаб,
Ип ўтқазар — ип тикса,

Ёстиқ тутар — энтикса!
Бувижонини ҳеч-ҳеч —
Уринтирмас... Фақат кеч —
Бўлганда сочин силаб,
Бувижони аллалаб —
Ухлатиб қўйсалар бас,
Конфет ҳам керак эмас.

БАХТИЁР.

М. Қўшоқов

Ҳамма танир
Полвон десанг,
Ишга моҳир,
Чаққон десанг.

Еши ҳали
Ўн бирда-ю,
Ўн беш ёшли
Йигитдек у.

СОЧИҚ.

Зиёд Комилов

Мен сочиқман-сочиқман,
Кўнгли доим очикман.
Борман ҳар уй, ҳар жойда,
Шайман меҳнат бор
жойда.

Суртар юзу кўзига.
Тун-кун меҳнат қилсам ҳам
Ўзим кирга тўлсам ҳам,
«Элни тоза қилсам бас» —
Шудир орзуим холос.

Ҳамма суртар юзига

БОҒБОН ВАЛИ.

Т. Холматов

Боғбон бўлишга
Аҳд қилди Вали.
«Кўчатлар экай
Баҳор маҳали»
Сўзини оқлаб
Кўчатлар экиди,

Кўчатлар кўклаб,
Қаддини тутди.
Ёз ўтди, Вали
Кетди қаёққа?
Кўчат айланди
Қуруқ таёққа.

БАҲОНА.

Т. Холматов

Онаси дер:— Юзингни юв!
«Кўзингга сув тегмабди-ку,
Ҳўлланибди оғзинг аранг.

Зафар дейди:— Ювдим қаранг.
— Кўзим билан, ахир, нон
Емайман-ку, ойижон!

МУНДАРИЖА

Кириш	3
«А» товуши	5
«О» товуши	8
«У» товуши	10
«Э» товуши	13
«И» товуши	15
«У» товуши	18
«Е» товуши	20
«Е» товуши	22
«Ю» товуши	25
«Я» товуши	27
«Й» товуши	29
«П» товуши	31
«Б» товуши	34
«Т» товуши	37
«Д» товуши	39
«К» товуши	42
«Г» товуши	44
«Ф» товуши	46
«В» товуши	48
«С» товуши	51
«Ш» товуши	53
«З» товуши	55
«Ж» товуши	58
«Ч» товуши	61
«Ц» товуши	63
«М» товуши	65
«Н» товуши	67
«Л» товуши	69
«Р» товуши	72
«Қ» товуши	74
«Ғ» товуши	77
«Х» товуши	79

Илова. Қўшимча ўқиш учун материаллар	82
--	----

ХУСАНОВА ЖАМИЛА ВАҲОБОВНА

ТУҒРИ ГАПИРАЙЛИК

Логопед ва тарбиячилар учун қўлланма

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Муҳаррир *Юсупова Ф. У.*

Бадий муҳаррирлар *Қаноатов Т., Гиленко С.*

Тех. муҳаррир *С. Турсунова*

Мусахҳиҳа *З. Ғуломова*

ИБ № 6737

Теришга берилди 6. 06. 95. Босишга рухсат этилди 2. 10. 95. Формати 60×90/16. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 5,50. Шартли кр.-отт. 5,875. Нашр. л. 5,45. Тиражи 3000. Буюртма № 59.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—70—94.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1995.